

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

---

## ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

---

### INNOVATIONS IN ECONOMY

№6 (2019)



TOSHKENT-2019

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491>

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР - ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ  
INNOVATIONS IN ECONOMY**

№6 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6>

**Бош мухаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:**

академик  
**Гулямов Сайдахрар Саидахмедович**

**Бош мухаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
**Вохидова Мехри Хасановна**

**"Иқтисодиётда инновация" журнали тахририй маслахат кенгаши  
Международный редакционный совет журнала "Инновация в экономике"  
International Editorial Board of the Journal of Innovation in Economics**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси / Экономическая теория / Economic theory**

**Назаров Ш.Х.** - и.ф.д.  
**Гафуров У.В.** - и.ф.д., профессор  
**Мустафакулов Ш. И.** - и.ф.д., доцент  
**Сайфуллаева М.**  
**Маматкулов И.А.**

**Nanuli Khizanishvili** - Doctor of Economic Sciences, Tbilisi Iv. Javakhishvili State University. Faculty of Economics  
**Екатерина Геннадьевна Господарик** - к.э.н., доцент, заведующая кафедрой аналитической экономики и эконометрики экономического факультета БГУ

**08.00.02-Макроиқтисодиёт / Макроэкономика / Macroeconomics**

**Салимов Б. Т.** - и.ф.д., профессор,  
**Назаров Ш. Х.** - и.ф.д.  
**Худайназаров А.К.** - и.ф.д.  
**Худойкулов С. К.** - и.ф.н. доцент,  
**Валиев Б.** - PhD.  
**Сафарова Н.Н.**

**Зубиташвили Тамар** - доктор туристических наук, Телавский государственный университет, Грузия

**08.00.09-Жаҳон иқтисодиёти / Мировая экономика / World economy**

**Мурадова Х.М.** - и.ф.д., профессор  
**Шарифхўжаев Ш.О.** - и.ф.д.

**Сардор Азам** - и.ф.д.  
**Вохидова М.Х.** - PhD.

**08.00.10-Демография. Меҳнат иқтисодиёти / Демография. Экономика труда /  
Demography. Labor Economics**

**08.00.13-Менежмент / Менеджмент / Management**

**Гулямов С.С.** - академик  
**Умурзаков Б.Х.** - и.ф.д., профессор,  
**Каршиев М.Э.**  
**Маматкулов И.**

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

## **1. Alikulov S.A.**

O'ZBEKISTONDA INNOVATSION IQTISODIYOTNING RIVOJLANISHIDA TA'LIM, TADQIQOT VA INNOVATSIYALARNING INTEGRATSIYALASHUVI  
EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATIVE INTEGRATION AS THE RISE OF THE INNOVATIVE ECONOMY IN UZBEKISTAN  
ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИОННАЯ ИНТЕГРАЦИЯ КАК РОСТ  
ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ.....4

## **2. Нарманов У.А.**

AҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ  
THE IMPORTANCE OF HOUSEHOLDS IN INCREASING THE STANDART OF LIVING OF THE POPULATION  
ЗНАЧЕНИЕ ДОМАШНИХ ХОЗЯЙСТВ В ПОВЫШЕНИИ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ.....8

## **3. Закирова Г.Т., Темиров А.А.**

КИЧИК КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ  
FEATURES OF THE ORGANIZATION OF FINANCIAL MANAGEMENT IN THE ACTIVITIES OF SMALL ENTERPRISES  
ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ.....15

## **4. Мансуров М.А.**

МАРКАЗЛАШГАН БЮДЖЕТДАН ВОЗ КЕЧИШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ  
THE IMPORTANCE OF TREASURY EXECUTION OF THE STATE BUDGET IN THE PROCESS OF ABANDONING A CENTRALIZED BUDGET POLICY  
ВАЖНОСТЬ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА В ПРОЦЕССЕ ОТКАЗА ОТ ЦЕНТРАЛИЗОВАННОЙ БЮДЖЕТНОЙ ПОЛИТИКИ.....23

## **5. Наргиза Б. А.**

ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ  
JAPAN'S EXPERIENCE OF PENSION SYSTEM REFORMS  
ЯПОНСКИЙ ОПЫТ РЕФОРМ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ.....35

## **6. Abdurakhimova M.O.**

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЕРДАН САМАРАЛИ Фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти  
IMPORTANCE OF THE EFFECTIVE USE OF THE LAND IN A MARKET ECONOMY  
ЗНАЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЛИ В РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ.....47

## **7. Рустамов Д. Ж.**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ БАҚҚАРОРЛИГИДАГИ ўрни  
THE ROLE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE ECONOMIC STABILITY OF THE COUNTRY  
РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ СТРАНЫ.....52

## **8. Мамажонов А.Т.**

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ДАВРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТАННАРХ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ  
THE THEORETICAL BASIS OF THE ANALYSIS OF PRODUCTION COSTS AND PRODUCTION COSTS DURING THE MODERNIZATION OF THE ECONOMY  
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АНАЛИЗА ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ЗАТРАТ И СЕБЕСТОИМОСТИ ПРОДУКЦИИ В ПЕРИОД МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ.....57

## **9. Махмудов О.Т.**


ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ  
FOREIGN EXPERIENCE IN DETERMINING THE RATING OF COMMERCIAL BANKS  
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОПРЕДЕЛЕНИЯ РЕЙТИНГА КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ.....67

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ

**Alikulov Samar Abdurashidovich,**  
Associate Professor of Samarkand State  
Architectural and Civil Engineering Institute

**EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATIVE INTEGRATION AS THE  
RISE OF THE INNOVATIVE ECONOMY IN UZBEKISTAN**

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-1>

## ANNOTATION

In Uzbekistan, first of all, there have been discussed the issues as ensuring the integration of education, science and innovation in the development of innovative economics, enhancing the scientific potential of the education system, there have been developed joint educational programs jointly with the prestigious universities of foreign countries, holding various scientific forums and developing the Roadmap for the integration of education, science and innovation, and the broad introduction of innovation and science achievements.

**Keywords:** innovation, investment, need, regulatory, forum, Road Map, Corporate, Binary, "Ministries of the Future", strategy, technology, models.

**Alikulov Samar Abdurashidovich,**  
Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti dotsenti

**O'ZBEKISTONDA INNOVATSION IQTISODIYOTNING  
RIVOJLANISHIDA TA'LIM, TADQIQOT VA  
INNOVATSIYALARNING INTEGRATSIYALASHUVI**

## ANNOTATSIYA

O'zbekistonda, birinchi navbatda, innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishda ta'lim, fan va innovatsiyalarning integratsiyasini ta'minlash, ta'lim tizimining ilmiy salohiyatini oshirish masalalariga e'tibor qaratilmoqda. Xorijiy davlatlarning nufuzli universitetlari bilan birgalikda qo'shma o'quv dasturlari ishlab chiqilib, turli xil ilmiy forumlar o'tkazilib, fanning yutuqlari keng joriy etish uchun ta'lim, fan va innovatsiyalarni birlashtirish maqsadida Yo'l xaritasi ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** innovatsiya, investitsiya, ehtiyoj, huquqiy tartibga solish, forum, yo'l xaritasi,

korporativ, binar, "kelajak vazirliklari", strategiya, texnologiya, modellar.

**Аликулов Самар Абдурашидович,**  
Доцент Самаркандского государственного  
архитектурно-строительного института

## **ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИОННАЯ ИНТЕГРАЦИЯ КАК РОСТ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

### **АННОТАЦИЯ**

В Узбекистане, в первую очередь, обсуждаются вопросы обеспечения интеграции образования, науки и инноваций в развитие инновационной экономики, повышения научного потенциала системы образования. Совместно с престижными университетами зарубежных стран были разработаны совместные образовательные программы, проведены различные научные форумы и разработана Дорожная карта для интеграции образования, науки и инноваций для широкого внедрения инноваций и достижений науки.

**Ключевые слова:** инновации, инвестиции, потребность, нормативно-правовое регулирование, форум, дорожная карта, корпоративный, бинарный, "министерства будущего", стратегия, технология, модели.

**I**NTRODUCTION. In his address to the Oliy Majlis (The Supreme Assembly), the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoev emphasized the need to consistently continue active investment policy, which is a prerequisite for the development of our economy. According to the report, in 2019 it is planned to attract about 138 trillion soums of investments from all sources, or 16% more than in 2018, the volume of foreign direct investments will increase by 1.5 times and reach \$ 4.2 billion. As a result, 142 modern enterprises will be put into operation. Many industrial clusters, joint ventures, agricultural clusters will be established in the country, textile industry will be developed, chemical and petrochemical industry, electric power industry, tourism, as well as services will be developed and modern enterprises will be launched [1]. This means that the demand for highly qualified personnel working in such modern enterprises, which will be launched in 2019, will continue to increase. Training of such highly qualified specialists is one of the important tasks of the Ministry of Higher and Secondary Special Education, which is primarily implemented through the improvement of the legal framework of the education system, so a number of decrees and resolutions of the President have been adopted. In particular, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 "On the Strategy of Action for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", the Presidential Decree dated May 27, 2017 PD-3151 "On measures for further expansion of participation of economic sectors and industries in improving the quality of training of specialists in higher educational establishments" dated September 21, 2018 Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PD-5544 "About approval of the Strategy of innovative development of the Republic of Uzbekistan in 2019-2021".

The Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan has also adopted a number of normative acts in accordance with the Decrees

and Decrees of the President, which will further improve the system of higher education. As a result, if the number of higher education institutions was 77 in the 2016-2017 academic year and now in the 2018-2019 academic years it reached 95. Admission quotas were 57,907 in the 2016-2017 academic years, whereas in the 2018-2019 academic years it showed 102741. In particular, the academic potential of higher education institutions was 31.6% in 2016, and in 2018 it is up to 34.5%. Over the past two years, 16 higher education institutions of the country have been working together with foreign higher education institutions on the basis of joint educational programs, and in recent years the number of personnel trained under such joint educational programs will increase.

**MAIN PART.** Collaboration in education plays an important role in shaping and developing an innovative economy. That is why our government organized an Uzbek-Russian educational forum. The forum was attended by more than 40 education and research workers, including 47 from the Russian Federation. Negotiations aimed at further development of higher education in Uzbekistan were held within the framework of the Forum and 114 bilateral agreements on education and research were signed. The Road Map for the implementation of all agreements signed so far has been approved. As a result of cooperation agreements signed within the framework of the Forum, preparations for the opening of 6 branches of the Russian higher education institutions in the country for the 2019-2020 academic years are underway. In particular, Moscow Energy Institute (MEI), Moscow State Institute of International Relations (MSIIR), Russian Chemical-Technological University named after Mendeleev, Russian State Institute named after A.S. Pushkin, Astrakhan State Technical University, Russian State Physical Culture, Sport, Youth and Tourism. University

**CONCLUSION.** It is important to implement innovative corporate partnerships between higher education, science and industry, and the results we expect from this collaboration are as follows:

1. Ministries will help with Practical and theoretical problems of agencies and large enterprises, as well as the formation of innovative projects.
2. Curricula and programs according to the requirements of enterprises and organizations and bringing them in line with international standards will be adjusted.
3. There will be conducted research works in collaboration with researchers and practitioners, and scientific contacts and exchanges of experiences will be strengthened. This will help to create more innovative developments.
4. We consider that bipartisan protections should be established and diplomas with equal force should be implemented (as an experiment, for technical, agricultural, textile, transport, and economic fields).

We see that the world experience has become a driving force for the development of society and economic development through the continuous introduction of innovations that ensure quality growth in all areas.

The most successful and sustainable countries today are those that have been implementing innovative models of development and smart technologies.

Sustainable development of such countries and their competitiveness in the world markets is based not on the use of natural resources and physical labor, but on innovative ideas and developments.

Innovative ideas in these countries, the implementation of the state strategy for the implementation, developments and technologies is conventionally carried out by special

agencies known as the "ministries of the future", therefore, we consider that the main task of the agencies responsible for innovative development in our country is to ensure socio-economic growth and competitiveness of professionals in the global intellectual labor markets and increase intellectual property in the economy through wide introduction of innovation and science achievements.

## REFERENCES

---


1. Address by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoev to the Oliy Majlis.// Declaration of December 28, 2018
2. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/3213-proizvodstvo-valovogo-vnutrennego-produkta>
3. <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/411666/ado2018.pdf> Asian Development Outlook
4. <https://www.mehnat.uz/ru/newnews/view/1520>

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

## ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Нарманов Улуғбек Абдугаппарович  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси,  
етакчи мутахассис

## АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-2>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада уй хўжалигининг моҳияти ва унинг иқтисодий вазифалари, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалигига боғлиқ бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти очиқ берилган. Унда уй хўжалигининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шакллантиришдаги ўрни ва аҳоли даромадини оширишда уй хўжалигига асосланган тадбиркорликни ривожлантириш асослари ҳамда мустақамлашнинг айрим йўллари баён етилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли бандлиги, рақобатчилик, оилавий тадбиркорлик, ишсизлик, даромад.

Нарманов Улуғбек Абдугаппарович  
Академия наук Республики Узбекистан,  
ведущий специалист

## ЗНАЧЕНИЕ ДОМАШНИХ ХОЗЯЙСТВ В ПОВЫШЕНИИ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье объясняется сущность отечественной экономики и ее экономические цели, а также значение малого бизнеса и частного предпринимательства в рыночной экономике. В нем изложены роль домашнего хозяйства в формировании малого бизнеса и частного предпринимательства, а также основы и некоторые пути укрепления домашнего хозяйства в повышении доходов населения.

**Ключевые слова:** занятость населения, конкуренция, семейное предпринимательство, безработица, доход.



**Narmanov Ulugbek Abdugapparovich**  
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,  
leading specialist

## THE IMPORTANCE OF HOUSEHOLDS IN INCREASING THE STANDART OF LIVING OF THE POPULATION

### ANNOTATION

The article explains the essence of the domestic economy and its economic goals, as well as the importance of small business and private entrepreneurship in the market economy. It sets out the role of the household in the formation of small business and private entrepreneurship, as well as the basics and some ways to strengthen the household in raising incomes.

**Keywords:** employment, competition, family entrepreneurship, unemployment, income.

**К ИРИШ.** Дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўз иқтисодиётини тиклашда ва ўсишини таъминлашда уй хўжалигига асосланган бизнесга катта эътибор беришмоқда. Масалан Япониянинг ЯИМнинг 75 фоизини кизик бизнес ташкил этса, уй хўжаликга асосланган бизнес улуши 35 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда 2012 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни уй хўжалигининг турли шакллари белгилаб берилди ва бу аҳоли бандлигини таъминлашга кенг имконият яратишда ҳуқуқий омил бўлди.

Уй хўжаликлари мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини (ЯИМ) яратишда фаол иштирок этадилар, уларнинг ўсиши бутун ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг динамикасини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, уй хўжаликлари нафақат бирламчи ижтимоий, балки энг аввало жамиятнинг иқтисодий ҳужайралари сифатида ҳам ҳаракат қилади. Уй хўжалигининг ҳужайралари бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдир.

Кўпгина компаниялар иш фаолиятини бошлаётганда оилавий тадбиркорликдан ташкил топган. Фарб тадқиқотчиларнинг изланишларига биноан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда оила тадбиркорлиги 68%ни ташкил этди.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Сўнгги йилларда республикамиз миллий иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолият салмоғи ортиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан характерланади:

- кичик бизнес бозор учун зарур бўлган рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабларига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;
- истеъмол соҳасида юзага келадиган ўзгаришларни тезда тўлдириб, энг замонавий ускуналар ва технологиялардан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади;
- ишлаб чиқарувчиларнинг шахсий манфаатдорлиги асосида қурилган бирорта ҳам бозор иқтисодиёти субъектлари буларсиз ривожлана олмайди;
- кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади,

буларсиз эса юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди.

Кичик бизнес корхоналарининг хусусиятлари унинг бир қанча афзалликларга эга бўлиш имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш ҳамда уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик миқдорларда ишлаб чиқариш;
- тезкор техник сервисни ишончилигини ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш;
- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;
- ортиқча иш кучини ўзига сингдириш;
- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиха қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тезда ўзини оқлаши;
- хом ашё ресурслардан тўлиқ ва самаралироқ фойдаланиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик - аҳолининг катта қисми учун меҳнатни қўллайдиган соҳа ва даромад манбаи ҳисобланади. Бу соҳа етарли малакага ва тажрибаси бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми. Бу соҳада машғул кишиларнинг аксар қисми учунгина эмас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлмиш кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омил бўлиши мумкин.

Айни пайтда, кичик бизнес корхоналари яратишни рағбатлантириш, бевосита қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифалар ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органларига юкланади. Бунда вилоят тузилмалари зиммасида қулай иқтисодий шароитлар яратиш, қонуний, меъёрий асослар ва ўзга ташкилий-методологик кўмакни такомиллаштириш масъулияти ётади. Кичик бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

#### 1-жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушлари (%)**

Йиллар	ЯИМ	Бандлик
2000	31,0	49,7
2001	33,8	51,8
2002	34,6	53,5
2003	35,0	56,7
2004	35,6	60,3
2005	38,2	64,8
2006	42,1	69,1

2007	45,7	72,1
2008	48,2	73,1
2009	50,1	73,9
2010	52,5	74,3
2011	54,0	75,1
2012	54,6	75,6
2013	55,8	76,7
2014	56,1	77,6
2015	62,9	77,9
2016	64,9	78,2
2017	63,6	78,0
2018	59,4	76,3

Вилоят иқтисодиётида кичик бизнесни ривожланишини корхоналар сони ва маҳсулот ҳажми ҳиссасининг ортишида кўриш мумкин. Бунга қуйидаги тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин:

- хусусий тадбиркорларнинг туризм, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, қурилиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, транспорт хизматлари, қадоқлаш материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларда шахсий ташаббусларини рағбатлантириш;
- молия - кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;
- кичик бизнес инфратузилмасини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- улгуржи ва майда улгуржи савдони ривожлантириш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг хом-ашё, асбоб ускуна, технологиялар, таркибий қисмларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш тизимини такомиллаштириш;
- кичик бизнес корхоналари яратилиши ва фаолиятининг меъёрий- ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
- кичик бизнес фаолияти кўрсаткичларининг ҳисоби ва таҳлили тизимини такомиллаштириш.

Оила фаровонлигини манбаи бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шугулланиши лозимлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолининг, айниқса оилаларнинг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини ифодалаш учун тегишли кўрсаткичлар ёки уларни аниқловчи усуллар мамлакатимиз олимлари томонидан ҳамон ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги пайтда оилалар даромадининг тўртдан бир қисми тадбиркорлик эвазига пайдо бўлмоқда. Келажакда оила эҳтиёжининг 50 % ни шу йўл билан қопланишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бу бизнинг мамлакатимиз учун ўта муҳимдир. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчига 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги қариялар тўғри келса, бу кўрсаткич бизда 2,7 кишини ташкил қилади. Табиийки, бундай шароитда фақат ойлик маош билан оиланинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Шу туфайли, келажакда ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорликнинг муҳим йўналишларидан бири оилаларнинг шахсий томорқасида фаолият кўрсатишидир. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим ижтимоий-иқтисодий ахамиятга эга. Бу энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Зеро, иш ҳақи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида ўзининг яшовчанлик моҳиятини йўқотди.

Ишсизлик ва оила бир-бири билан бевосита боғлиқ. Ишсиз у қаердандир келган эмас ёки жамиятдан ажралиб қолган шахс ҳам эмас. Ишсиз бу ҳам оиламиз аъзоси. Оиладан бир киши жуда сердаромад ишда ишласа, шу оила фаровон, агар у ишсиз қолса, шу оила камбағалликка маҳкум қилинган бўлади. Шу туфайли ҳар бир оилада шундай руҳият шаклланиши керакки, унда ишсиз одам бўлмаслиги керак. Агар бирор киши ишдан бўшадими, тадбиркорлик билан шуғулланиши лозим, токи оиланинг моддий таъминотида барқарорлик бузилмасин. Ҳозирги пайтда қишлоқларда ҳам бизнес билан шуғулланиш учун шароит етарли. Зеро, унинг қонуний асоси яратилди, тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди. Агар назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, кичик бизнес ривож топган жойда ишсизлик муаммоси бўлиши мумкин эмас. Чунки, одам ишсиз бўлса, ўзига иш топиши, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини юритиши учун тегишли шароит яратилишига интилади. Бу энг аввало, оилавий бизнесда намоён бўлади.

Шу билан бир вақтда, республикамиз ҳудудлари миқёсида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлат тузилмаларининг асосий вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш айни муддао бўлур эди. Буларга - ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, шу асосда дастур ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни тезкор тартибда ҳал қилиш, оилавий тадбиркорликнинг касаначилик, ҳунармандчилик, деҳқон хўжалиги каби шакллари ҳудудлар кесимида тадқиқ этиш ва янада кенгайтириш йўллари ишлаб чиқиш, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун нормал ва барқарор шароитлар яратиш, уларни керакли асбоб-ускуна, хом ашё ва материаллар билан таъминланиши, касаначилар учун яратилган ижтимоий кафолатлар яратилиши устидан назоратни амалга ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкил этиш кабилар киради. Мамлакатимизда изчил тарзда давом этаётган ислохотлар иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида, оилалар даромадининг мунтазам равишда кўпайиши, турмуш фаровонлигининг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу борадаги ижобий ўзгаришлар асосини ҳудудлар иқтисодиётининг

барча соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишнинг бир маромда бар-қарор ўсиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ташкил этади.

Чунончи, ҳудудларда уй хўжалиklarини ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган узоқ муддатли стратегик режаларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш, уй хўжалиklари фаолиятининг давлат ва нодавлат тузилмалари, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари билан ўзаро алоқа ва муносабатларини мустаҳкамлаш, уй хўжалиги сектори фаолиятини ташкил этиш, модернизациялашда техник воситалар билан таъминланишини рағбатлантириш мақсадида молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳада имтиёз ва қулайликлар яратиш, уй хўжалиklarини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, уй хўжалиklари аъзоларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш малакасини ошириш ва фаолияти давомида улардан фойдаланишни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Аҳоли турмуш даражасини оширишда солиқ ставкаларининг ўрни катта. Бизнинг мамлакатимизда оила бизнеси юритиш учун имкониятлар мавжуд чунки солиқ ставкалари бошқа мамлакатларга нисбатан имтиёзлар бор.

Маълумки, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омиллари - иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, барча соҳа ва тармоқларни модернизация қилиш, техник-технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали фуқаролар ҳаёт даражасини янада яхшилашдан иборатдир. Бу жараёнда миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган уй хўжалиklarининг ўзига хос ўрни бор.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан уй хўжалиklarининг жамғарилган активлари ва оилаларнинг жорий даромадларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон учун оилаларнинг 98 фоизи жорий моддий ҳолатидан қатъий назар, ўзларининг хусусий мулкида шахсий турар-жойларига эга. Оилаларнинг катта қисми, жумладан, қишлоқ жойларида жойлашган кам таъминланган аҳолининг катта қисми эса-96,7 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин булган, мерос килиб қолдириладиган томорқа ерларига эга.

## 2-жадвал

### Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш

Жорий даромадлар бўйича квинтиллар	Квинтилда ўз уй-жойига (индивидуал уй ёки кўп хонадонли уйда квартирага) эга булган оилалар салмоғи, %	Квинтилда томорқа ерига эга бўлган оилалар салмоғи, %
1 квинтил	98,2	87,3
5 квинтил	97,8	56,2
Шаҳар	94,9	51,9
Қишлоқ	98,3	96,8

**ХУЛОСА.** Уй хўжалиklари ресурсларини сафарбар этишда, пул қўйилмаларидан ташқари инвестициялаш учун қулай шароитларни ҳам талаб қилади. Уй хўжалиklари асосида иқтисодий фаолиятдан воз кечишнинг сабаблари жумласига, шунингдек ноиқтисодий характердаги, биринчи навбатда, қонунчилик, институционал ва маъмурий омиллар ҳам киради.

Уй хўжалиқларининг негизи оила институтини қўллаб-қувватлаш, оила даромадларини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омили билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратилиши муҳимдир. Уй хўжалиғи аъзоларининг меҳнат фаолияти оила бизнесини якка ёки бирлашган ҳолда ташкил этиш айрим оила аъзоларининг бошқа бизнес шаклларида якка иштироки ёки бирор касб эгаси сифатида фаолият юритиши орқали амалга оширилиши келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиради.

## REFERENCES

---


1. Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. - М.: ГУ ВШЭ, 2003.
2. Бачурин А. Факторы роста ВВП и уровня жизни населения // Экономист. 2001.- № 10.
3. Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: уй хўжалиқлари молияси. / Ўқув қўлланма. - Тошкент: "Iqtisod-moliya", 2008. - 112 б.
4. Жеребин В.М., Романов А.Н. Экономика домашних хозяйств. М.: Финансы, 1998.
5. Stat.uz.
- ?

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

## МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ

**Г.Т.Закирова,**  
ТГЙТМИ доценти, и. ф.н,  
**А.А.Темиров,**  
ТДИУ доценти, и. ф.н,

## КИЧИК КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-3>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада кичик корхоналар фаолиятини ташкил этишда молиявий менежментнинг ўрни ва аҳамияти, кичик корхоналарда бошқарув бўйича қарорлар қабул қилиш тамойиллари, молиявий менежмент функциялари билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий менежментда молиявий таҳлил масалалари ва улар асосида ишлаб чиқилган фикрларга ҳам ўрин берилган.

**Калит сўзлар:** кичик корхона, менежмент, молия, бошқарув, қарор, таҳлил, стратегия.

**Г.Т.Закирова,**  
доцент ТИИЖТ, к.э.н.,  
**А.А.Темиров,**  
доцент ТГЭУ, к.э.н,

## ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены роль и значение финансового менеджмента в организации деятельности малых предприятий, принципы принятия управленческих решений, информация, связанная с функциями финансового менеджмента. Также роль в управлении финансами субъектов малого

предпринимательства отводится вопросам финансового анализа и выработанным по ним мнениям.

**Ключевые слова:** малое предприятие, менеджмент, финансы, управление, решение, анализ, стратегия.

**G.T.Zakirova,**

docent at TIRTE, candidate of economic sciences,

**A.A.Temirov,**

docent at TSUE, candidate of economic sciences,

## FEATURES OF THE ORGANIZATION OF FINANCIAL MANAGEMENT IN THE ACTIVITIES OF SMALL ENTERPRISES

### ANNOTATION

This article presents the role and importance of financial management in the organization of small enterprises, the principles of management decision-making, information related to the functions of financial management. Also, the role in financial management of small businesses is given to the issues of financial analysis and opinions developed on them.

**Key words:** small business, management, Finance, management, decision, analysis, strategy.

**К**ИРИШ.Иқтисодиётнинг ривожланишининг ҳозирги шароитида кичик бизнес субъектлари фаолиятида тадбиркорликнинг молиявий муносабатларини ривожлантириш ва бу фаолият билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муваффақиятли ҳал этиш ва ижобий натижаларга эришиш молиявий бошқарувини самарали йўлга қўйишни тақозо этади. Шундай экан, тадбиркорлик субъектларини босқичма-босқич шакллантириш ва улар яхши молиявий натижаларга эришиши учун субъектлар молиявий бошқаруви тизимини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароити турли мулк шаклларидаги кичик бизнес субъектларининг вужудга келишига олиб келди, аммо кичик бизнес субъектларининг фаолиятидаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари бозор иқтисодиётининг хусусиятларини, кучли бозор рақобати шароитида яшовчанлик сирларини, менежмент, маркетинг ва молия соҳаларидаги билимларни тўла ўзлаштириб олганларича йўқ. Шу сабабли ҳам кўпинча кичик бизнес субъектларининг фаолиятида бу соҳаларга етарлича эътибор берилмаяпти.

Кичик бизнес субъектлари бозорнинг муҳим таркибий қисмидир, шунинг учун ҳам уларнинг ривожланиши масаласи энг асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Уни ҳал қилишнинг усулларида бири бўлиб улар фаолиятида инновацион менежментга оид бошқарув тамойиллари ва усулларида кенг фойдаланиш ҳисобланади. Айнан мана шу сабаб кичик бизнес субъектларини илмий асосланган ҳолда бошқаришнинг энг самарали йўллари кўрсатмоқда. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш кўпинча молиявий менежмент муаммоларининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ (LITERATURE REVIEW)**



Кичик бизнес субъектларининг молиявий бошқарув масалалари хорижий мамлакатлар ва республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимлари томонидан ўрганилган. Кичик корхоналарда менежмент масалалари хорижлик олимлардан П.Друкер [4], Н.Ольве [5] томонидан ўз асарларида ёритиб берилган. МДХ давлатларининг қатор иқтисодчи олимлари кичик корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритишиб, улар фаолиятида бошқарувнинг молиявий жиҳатларига эътиборларини қаратишган. Жумладан, россиялик олимларидан И.Гурков [3] томонидан корхоналарда стратегия ва тузилмалари масалалари, И.Балабанов [1] томонидан корхоналарнинг молиявий бошқаруви жиҳатлари, И.Бланк [2] томонидан эса молиявий стратегия масалалари баён этилган. Республикамизда кичик бизнес субъектлари ва уларнинг фаолияти соҳаси Б.Фойибназаров [7] ва бошқа олимлар томонидан, менежмент ва молиявий менежмент масалалари Ш.Зайнутдинов [6], Б.Тўхлиев [8] ва бошқа олимлар томонидан очиб берилган.

### **ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ (RESEARCH METHODOLOGY)**

Мазкур мақолани тайёрлашда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилган.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР (ANALYSIS AND RESULTS)**

Иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида молиявий менежмент концепцияси ўзига хос хусусиятлар ва белгиларга эгаки, улар диссертацион тадқиқотнинг марказий объекти ҳисобланади. Молиявий менежмент - корхонани унинг умумий мақсадларига эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир.

Молиявий менежмент, бир томондан, ўзининг хусусиятлари ва маълум қонуниятларга эга бўлган бошқариладиган тизимдир, иккинчи томондан эса, корхонани бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида бошқарув тизимидир.

Бошқариладиган тизим сифатида, молиявий менежмент солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари ва бошқалар давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига берилувчан бўлади. Яқингача бошқариладиган тизимнинг етакчи соҳаси сифатида хўжалик механизми ҳамда унинг таркибий қисми бўлган молия-кредит механизми ўрганилиб келинди. Ягона бошқарув объекти сифатида молия-кредит механизми давлат ва корхоналар пул айланмасининг бирлигини тан олишга асосланади. Молия-кредит механизмининг амал қилиши, аввало, корхоналар молиясини бошқаришга, хусусан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг қўшимча имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Молиявий менежмент ташкил этилиши ва фаолияти тамойилларини аниқлаш муҳим услубий омиллардан бири ҳисобланади. Бу билан бирга, молиявий менежмент корхона даражасида эмас, балки давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар, банклар ва бошқа кредиторлар, институционал инвесторлар билан бевосита узвий муносабатлар тизимига ҳам асосланади.

Иқтисодий адабиётларни таҳлил этиш ва улардаги фикрларни умумлаштирилганда молиявий менежментнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин.

Булар:

- корхоналар миқёсида инвестицион қарорлар қабул қилиш;
- корхоналар фаолиятида молиявий қарорлар қабул қилиш;

-корхоналар даражасида молиявий назоратни таъминлаш.

Мазкур йўналишлар фойдани кўпайтириш, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча аҳоли гуруҳлари эҳтиёжларини қондириш ва корхонада қисқа муддатли манфаатларнинг узоқ муддатдаги истиқбол тараққиёти вазифаларига зид келмайдиган ўсишини таъминлаш каби мақсадларни ўзида мужассамлайди. Фикримизча, кичик бизнес субъектларида молиявий менежментни самарали ташкил этишнинг объектив шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг ривожланиши;
- ўз-ўзини молиялаштириш;
- баҳо белгилашда бозор тамойиллари ва қонунчилиги;
- товар, меҳнат ва капитал бозорларининг ривожланиши;
- зарур меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги.

Корхона фаолиятини бошқариш кўп ҳолларда молиявий менежментга боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан, айрим бошқарув қарорларини қабул қилишда молиявий менежментнинг ўрнини ёритиш фикримизча, муҳимдир.

Молиявий менежментнинг умумиқтисодий асосларини кичик бизнес корхоналари фаолиятида қўлланилиши ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни тақозо этади ҳамда бу жараёндаги муаммоларини таҳлил этишни талаб этади.

Молиявий менежмент такрор ишлаб чиқариш функциясининг мақсади оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида капитал доиравий айланишининг барча босқичларида моддий ва молиявий ресурслар ҳаракатини баланслаштиришни таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, корхона молиясини самарали бошқаришнинг усуллари ва услублари йиғиндиси сифатида олиб қаралаётган молиявий менежмент белгиланган мақсадларга эришиш учун қатор асосий аналитик қуролларга эга. Унинг асосий вазифаси сифатида молиявий такомиллаштириш, яъни молиявий ресурсларни бошқаришнинг қулай йўлини танлаш, корхона иқтисодини мустаҳкамлашнинг самарали усуллари қўллаш, корхона қийматининг ўсиши ва молиявий ҳолатини кучайтириш учун турли имкониятлардан фойдалана олиш кабиларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Юқорида кўриб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда молиявий менежментнинг асосий вазифаларини шундай кўрсатиш мумкин:

1. Кичик корхона фаолиятининг режалаштирилишида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва молиялаштиришнинг самарали усуллари танлаш, кейин эса корхона фаолияти тараққиётини ҳисобга олган ҳолда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш.

2. Кичик корхонанинг жорий молиявий мажбуриятларини бажаришга имкон берувчи молиявий ресурслар билан таъминлаш (оператив режалаштириш ва тартибга солиш) вазифаси. Бунда молиявий менежментнинг тақсимлаш функцияси бажарилади, бу ерда эса, жорий тўловларни молиялаштириш манбаси сифатида сотишдан тушган маблағлар майдонга чиқади.

3. Вақтинча бўш молиявий ресурсларни ўз вақтида ва самарали жойлаштириш.

Бунда ресурсларни қимматли қоғозларга, депозитларга ёки даромад келтирувчи соҳаларга жойлаштириш мумкин бўлади.

4. Молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили. Бу вазифани бажаришда корхона активлари таркибининг таҳлили, кредит сиёсатининг

самарадорлиги, рисклар, инвестициялар таҳлили, дивидент соҳасида корхона стратегик вазифаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш. Молиявий стратегия корхонада жалб этилган молиявий ресурсларнинг қандай ишлатилишини, бозордаги ҳолатнинг, давлат кредит-пул сиёсати ва бошқа ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда корхона акцияларининг юқори курси ва дивидентларига эришишни таъминлаш масалаларини белгилайди.

Агар кичик корхоналарда қарор қабул қилиш тамойиллари кўриб чиқиладиган бўлса, бошқарувчилар қарорларини одатда, унга асосий тоифага бўлиш мумкин:  
- амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, яъни жорий вазифаларни тартибга солиш;

-тадбиркорликка хос қарорлар, яъни фаолият соҳаларини кенгайтириш, янги бўлинмаларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш, янги бозор сегментларини ўзлаштириш;

-янги, халқаро даражага эришиш учун корхона стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган махсус қарорлар.

Ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган кўпчилик кичик корхоналар учун қуйидаги камчиликлар ҳосил:

-вақтинчалик натижаларга кўпроқ интилиш ва шунинг учун истиқболли ёндашувнинг аҳамиятсизлиги;

-корхона менежерининг тараққиётнинг муҳим йўналишларини ишлаб чиқиш ва асослаш жараёнидаги билими ва ҳоҳишининг чекланганлиги туфайли бундаги пассив иштироки;

-бошқарувчиларнинг молиявий фаолиятнинг янги имкониятларига, корхона фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг муҳим соҳаларига менежмент тамойилларини жорий этишга тайёргарлик ҳолатининг паст даражаси.

Келтирилган маълумотлар бўйича молиявий менежмент функциясининг икки асосий турини ажратиш мумкин:

1. Бошқарув объектининг функциялари. Бунга пул айланмасини ташкил этиш, молиявий воситалар ва сармоя воситалари (маблағлар) билан таъминлаш, асосий ва айланма фондлари (яъни ускуна, хом ашё, моддий-техника таъминоти) билан таъминлаш, молиявий ишларни ташкил этиш ва бошқалар кирради.

2. Бошқарув субъектининг функциялари. Унинг функциялари умумий фаолият тури бўлиб, ҳужалик жараёнида ва молиявий ишларни ташкил этишда кишилар муносабатларига таъсир этишни ифодалайди.

Молиявий менежмент бошқарув тизими сифатида талқин этилиб, шунга мувофиқ равишда унинг функцияларини бошқарув тизими таркибининг шаклланишини белгилаши таъкидланади.

Молиявий менежмент умумиқтисодий асосларининг кичик бизнес корхоналарида қўлланилиши ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни ҳамда бу жараёндаги ҳозирги куннинг муаммоларини таҳлил этишни талаб этади.

Кичик бизнес корхоналари самарали фаолияти ва тараққиётининг муҳим омилларидан бири корхона фаолиятининг турли даврларида амал қилувчи молиявий имкониятлардан фойдалана олиш даражасидир. Шунинг учун молиявий менежментнинг мақсадлари ва вазифалари кичик бизнес фаолияти молиявий таъминоти муаммосининг моҳияти ва мазмунидан келиб чиқади.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятида қарорлар қабул қилиш тамойилларини фикримизча, урта асосий тоифага бўлиниши мумкин. Булар:

- жорий вазифаларни тартибга солиш;
- фаолият соҳаларини кенгайтириш, янги бўлимларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш, янги бозорларини ўзлаштириш ва бошқалар;
- халқаро даражага эришиш учун корхона стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган махсус қарорлар.

Кичик бизнес субъектлари молиявий менежменти шаклланаётган тадбиркорликнинг молиявий муносабатларини, уларнинг фаолият кўрсатиш доирасини юқори даражада ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муваффақиятли амалга ошириш, ижобий натижаларга эришиш тадбиркорлик субъектлари молиявий бошқарувини самарали ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

Молиявий бошқарув молиявий механизмнинг асосий воситалари ва усуллари ёрдамида молиявий бошқарув мақсадларини, бу мақсадларни белгилашнинг ўзига хос жиҳатларини, корхона молиявий ресурслари шакллантирилиши, тақсимланиши ва бу воситалардан самарали фойдаланилишини ҳамда уларнинг пул маблағлари айланишидаги ташкилий томонларини ақс эттиради.

Кичик бизнес корхоналари бозор хўжалиги тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Шу боис бу соҳанинг муваффақиятли тараққиётига эришиш масаласи асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур масалани ечиш имконини берувчи муҳим йўналишлардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий фаолиятидаги бошқарув тамойиллари ва усулларида кенгроқ фойдаланишдир. Ҳозирги шароитда айнан мана шу омил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бошқаришнинг энг самарали йўллари кўрсатмоқда.

Кичик бизнес субъектларида бошқа хўжалик субъектларига нисбатан молиявий менежментнинг вазифалари бирмунча мураккабдир. Чунки корхона менежери бошқарув билан бирга турли даражадаги ишларни кўпинча биргаликда қўшиб олиб боради. Шу сабабли ҳам молиявий менежментнинг моҳиятини унинг функциялари орқали ёритилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий менежментининг тамойиллари ва молиявий таҳлил усуллари асосида бошқарув қарорларини қуйидаги асосий турларга бўлиш мумкин:

- амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, яъни жорий вазифаларни тартибга солиш;
- тадбиркорликка хос молиявий қарорлар, янги бўлимларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш ва янги бозорларни ўзлаштириш;
- халқаро даражаларга эришиш учун корхона стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган алоҳида қарорлар ишлаб чиқиш.

Корхона молиявий стратегияси маблағларни жалб этиш ва жалб этилган молиявий ресурслардан қандай фойдаланиш, бошқа ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда корхона барча молиявий активларининг юқори даражасига эришишни таъминлаш масалаларини белгилайди.

Ҳар қандай шароитда ҳам корхонанинг молиявий менежменти вазифаларида

молиялаштириш усулларини танлаб, четдан жалб қилинаётган ресурслар, кредит маблағларини жалб этиш, ички ва ташқи манбаларга асосланган молиялаштириш каби усулларни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий менежментининг муҳим таркибий элементларидан бири - молиявий ҳисоботларни тузиш ва шулар асосида молиявий ҳолатни таҳлил қилишдир. Чунки молиявий ҳолат таҳлили нафақат корхона раҳбарлари ва мулкдорлари учун, балки корхона билан иқтисодий муносабатлар тизимининг турли соҳалари бўйича алоқадор бўлган хўжалик субъектларининг фаолияти учун ҳам муҳимдир.

Иқтисодиётда кичик корхоналарнинг фаолият кўрсатиб ишлаши йирик корхоналарни айрим харажатларидан озод қилиб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда қўлланилиши кўпроқ самара беради. Кичик корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ янги товарлар етказиб бера олади ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб ўз фаолиятини талабга мослаштира олади. Кичик корхоналарда меҳнатни ташкил этиш истеъдодли, талантли кадрларнинг ижодий фаолиятидан самарали фойдаланиш билан бирга уларнинг жамиятга танилишига ҳам имконият яратади.

Кичик бизнес субъектларида бошқа корхоналарга нисбатан тажрибали мутахассислардан фойдаланиш имкониятлари ниҳоятда юқоридир. Маҳаллий хом ашёлардан ва меҳнат потенциалидан фойдаланишда кичик корхоналар учун имкониятлар мавжуд. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик корхоналар аҳолини талабини қондириш учун илмий техника ихтироларининг, самарали усулларини қўллаб фаолият кўрсатаётган истиқболли корхонадир. Бошқариш соҳасида кичик корхоналарда энг кам харажат қилиниши билан бирга мулк ҳақиқий эгаси қўлида бўлиб, уни кўпайтириш, ундан самарали фойдаланиш доимо яхши натижаларга олиб келган.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР (CONCLUSION/RECOMMENDATIONS)**

Кичик бизнес субъектлари фаолияти унинг молиявий натижаларига боғлиқ бўлади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес субъектларида молиявий менежментнинг асосий мақсади корхона капитали қийматининг ўсиб бориши ва фойда олишини таъминлашдан иборат. Фикримизча, кичик бизнес субъектлари молиявий бошқариш тизимини такомиллаштириш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Кичик корхоналар фаолиятининг молиявий натижасини улар фаолиятига киритилган инвестицион маблағлар қайтимига боғлаш. Мулкдорлар томонидан кичик корхонага сарфланган инвестиция қайтимини тўғри ҳисоблаш учун пулнинг вақт концепциясини ҳисобга олиш керак ва у ҳисоб-китобларнинг юритилишида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам инвестиция қилишдан аввал пул оқимларининг (кирувчи ва чиқувчи) жорий қийматини тўғри ҳисоблашни амалга ошириш механизминини қўллаш зарурдир.

2. Пулнинг вақт концепцияси орқали соф пул оқимларини аниқлаш ва уни жаҳон андозаларига мослаштиришни қўллаш.

3. Киритилган инвестициялар билан улардан келадиган пул қайти-млари солиштириш орқали якуний молиявий натижани аниқлаш.

4. Аниқланган якуний молиявий натижага кўра корхонанинг менежмент усулларини танлаш ва улар асосида бошқаришни ташкил этиш.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, кичик бизнес субъектлари фаолиятига маблағлар ва уларга қўшимча инвестициялар киритиш масаласи иқтисодий фаолиятнинг якуний молиявий натижасига боғлиқ бўлади. Унинг мазмуни шундан иборатки, кичик корхона ҳаётийлик даври, яъни фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб охиригача бўлган вақт мобайнидаги иқтисодий самарадорлик ва ҳар қандай бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва мазмуни ҳисобланади.

Фикримизча, якуний молиявий натижа бу корхоналар фаолиятига қилинган бошланғич инвестицион харажатларни қоплаш (қайтариб олиш) ва фойда (даромад) олишни бир вақтнинг ўзида таъминлашни ифодалайдиган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Корхоналар учун анъанавий усуллар ёрдамида амалга оширилаётган таҳлиллар оралиқ натижаларни фақатгина маълум муддатларга ифодалаб беради холос. Шунинг учун ҳам бу таҳлил якуний молиявий натижаларни тайёрлашда қўшимча маълумотлар бўлиб ҳисобланади. Мазкур таҳлил натижалари маълум даврларда якуний молиявий натижаларга эришиш учун хизмат қилади. Бу кўрсаткичнинг мазмуни корхона фаолиятининг ҳаётийлиги давридаги самарадорликни ифодалайди ва ҳар қандай бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва мазмунини белгилайди.

## References


1. Балабанов И. Основы финансового менеджмента. Учебник.- М.: Финансы и статистика, 2010.-480 с.;
2. Бланк И.А. Финансовая стратегия предприятия. Учебный курс. - К.: Нико Центр, 2016. -520 с.;
3. Гурков И.Б. Стратегия и структура корпорации: учеб. пособ. - 2-е изд., перераб. - М.: "Дело" АНХ, 2008. - 288 с.;
4. Друкер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI века: Пер. с англ. Учеб. пособ. -М.: "Вильямс", 2007.-288с.;
5. Ольве Н.-Г., Рой Ж., Ветер М. "Оценка эффективности деятельности компании. Практическое руководство по использованию сбалансированной системы показателей". - М.: Вильямс, 2004 г. -37 с.
6. Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т., Муракаев И. Менежмент. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-239 б.;
7. Ғойибназаров Б.К. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. Монография. - Т.: Фан,2011.-184 б.;
8. Тухлиев Б.К. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. Т.:ТДИУ, 2007.-164 б.

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

МОЛИЯ

Мансуров Мансур Алишерович  
PhD, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

## МАРКАЗЛАШГАН БЮДЖЕТДАН ВОЗ КЕЧИШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАЗНА ИЖРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-4>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада давлат бюджети ижроси жараёнида бюджет маълумотларини очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, келгусида қабул қилинадиган бюджет параметрларида аҳолининг таклифларини инобатга олиш, марказлашган бюджет сиёсатидан воз кечиш орқали маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш имкониятлари тўғрисида сўз борган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бюджетномада аҳоли ва ташқи ҳамкорларимизга мамлакат бюджетининг ҳолати ҳақидаги малумотларни бериш ва маҳаллий бюджетларни ислоҳ қилиш билан инвестицион жозибадорликни ошириш мумкин.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджет, бюджет очиқлиги, фуқаролар учун бюджет, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари.

Мансуров Мансур Алишерович  
Кандидат технических наук, Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

## ВАЖНОСТЬ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА В ПРОЦЕССЕ ОТКАЗА ОТ ЦЕНТРАЛИЗОВАННОЙ БЮДЖЕТНОЙ ПОЛИТИКИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье основное внимание уделяется повышению открытости и прозрачности бюджетной информации при исполнении государственного бюджета, учету предложений населения по будущим бюджетным параметрам и обеспечению устойчивости местных бюджетов путем отказа от централизованной бюджетной политики. Принимая во внимание вышесказанное, можно повысить инвестиционную привлекательность бюджета, информируя общественность и иностранных партнеров о состоянии бюджета и реформируя местные бюджеты.

**Ключевые слова:** местный бюджет, прозрачность бюджета, бюджет для граждан, Государственный бюджет, Государственные целевые фонды.

**Mansurov Mansur Alisherovich**

PhD, Tashkent Institute of Textile and Light Industry

## THE IMPORTANCE OF TREASURY EXECUTION OF THE STATE BUDGET IN THE PROCESS OF ABANDONING A CENTRALIZED BUDGET POLICY

### ANNOTATION

This article focuses on increasing the openness and transparency of budget information in the execution of the state budget, taking into account the population's proposals for future budget parameters and ensuring the sustainability of local budgets by abandoning a centralized budget policy. Taking into account the above, it is possible to increase the investment attractiveness of the budget by informing the public and foreign partners about the state of the budget and reforming local budgets.

**Keywords:** local budget, budget transparency, budget for citizens, State budget, State trust funds.

**К ИРИШ.** Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиқлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва сифати, уларнинг хорижий инвесторларга ва бошқа манфаатдор субъектларга етказиш, шунингдек, парламент вакиллари ва фуқаролик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнида иштироки даражаси етарли эмас.

Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида вазифалар белгиланган [1]. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида (Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш) деб номланган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бюджет ҳисобидан маблағ ажратилган лойиҳаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат натижага йўналтирилган индикаторларини ишлаб чиқиш каби амалга ошириладиган устувор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда жорий йилининг 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида "Макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджетининг жорий йилда кутилаётган ижроси ва 2020 йилга мўлжалланган



параметрлар муҳокамаси"га бағишланган йиғилишнинг ўткалиши ушбу мавзунинг қанчалик долзарблиги далолат беради.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.** Тадқиқот жараёнида жаҳон мамлакатлари, МДҲ давлатлари ҳамда мамлакатимиз олимларининг мавзу доирасида олиб борган изланишлари ўрганилди. Хусусан маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини мунтазам ошириб бориш ва харажатлар қисмини оптималлаштириш ҳамда шу билан бир қаторда бюджет маълумотларини таъминлаш масалалари катта аҳамият касб этади. Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни жадвал кўринишида келтириб ўтамиз.

1-жадвал

**Давлат молияси ва бюджет тизимининг назарий асослари**

№	Муаллифлар	Фикрлар
1.	Г.Б.Поляка	Бугунги кунда ҳудудий молия ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш куралига айланиб бормокда. <sup>1</sup>
2.	Вахобов А.В.	Бозор иқтисодиёти трансформацияси шароитида унинг ҳудудий элементини мавжудлиги ҳудудий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий сиёсатнинг кутилаётган ва ҳақиқатдаги натижаларини қиёслашга мажбур этади. <sup>2</sup>
3.	King D.N.	Бюджет тизими бюджетларининг мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи омил - даромадларни (авваламбор солиқ даромадларни) бюджетларнинг ҳар бир даражасининг харажатларига яраша бириктирилишидир. <sup>3</sup>
4.	Wallis J., Oates W.	...давлат ҳудуди қатчалик катта бўлса, унинг "номарказлашганлик даражаси" шунчалик кенгроқ бўлиши; мамлакат аҳолисининг сони қанчалик кўп бўлса, шунчалик унинг "номарказлашганлик даражаси" кенгроқ бўлиши; аҳоли жойлашишининг зичлик даражаси, шаҳарларда яшовчи аҳолининг улуши қанчалик кўп бўлса, унинг "номарказлашганлик даражаси" шунчалик кенгроқ бўлиши; аҳоли турмуш даражаси қанчалик юксак бўлса, унинг "номарказлашганлик даражаси" шунчалик кенгроқ бўлиши, яъни давлат бюджет даромадларини қайта тақсимлаш билан боғлиқ вазифалари кўпроқ бўлиши; жамият хизматларининг турлари кўплиги, ҳудудлардаги хилма-хиллиги бюджетнинг номарказлашганлик даражаси юқори бўлишини таъкидлайди. <sup>4</sup>
5.	А.С. Чулков	Давлат молиясининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш соҳасидаги асосий муаммо фуқароларнинг бюджет жараёнига қизиқиши ва жалб этилишининг пастлигидир. <sup>5</sup>

**ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.** Мақолада бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлиги тизимининг таркибий қисмлари, умуман, бюджет тизимининг очиқлиги (шаффофлиги) ошганда ва "Фуқаролар учун бюджет"ни шакллантиришда юзага келадиган муаммоларни гуруҳлашда муаллифнинг ёндашуви таҳлил қилинади.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** Бюджет тузилиши (тузилмаси) - давлат бюджетини

ташқил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуини билдиради. Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузилмаси унинг миллий давлат ёки маъмурий-худудий тузилиши билан белгиланади[4].

Бюджет тузилиши давлат бюджети ва мамлакат бюджет тизимининг ташқил этилишини, унинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет тизимига кирувчи бюджетларнинг фаолият юритишини, уларнинг ҳуқуқий асосларини, бюджетларнинг таркиби ва тузилишини, бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиб-тамойилларини белгилайди. Мамлакатларнинг давлат тузилишидаги, ҳокимият турли даражаларининг бюджет ҳуқуқларидаги фарқлар турли шаклдаги ва моделдаги бюджет тузилишлари мавжудлигини белгилайди.

Жаҳон амалиётида бюджет тузилишининг марказлаштирилган, марказлаштирилмаган ва аралаш моделлари мавжуд. **М а р к а з л а ш т и р и л г а н** модель барча бюджетлар ягона давлат бюджетиде марказлаштирилиши билан тавсифланади, бунда ҳар бир юқори бюджетга бошқарувчилик роли бириктирилган бўлади. Ушбу моделни Франция, Италия, Қозоғистон ва Ўзбекистон амалиётларини кўришимиз мумкин.

Марказлаштирилмаган модель бюджет тизими марказий ва маҳаллий бюджетларининг эркинлиги билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади. Бундай ҳолатни АҚШ ва Германия амалиётида кузатишимиз мумкин. Аралаш модель марказий бюджетга маҳаллий бюджетларни тартибга солиш роли бириктирилиши билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади. Бундай тажриба Россия Федерацияси амалиётида яққол намоён бўлади[5]. Қуйидаги келтирилаётган 1-расмда Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилишини кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилмаси

Юқорида келтирилган тузилманинг бўғинлари ҳам ўз навбатида таркибий тузилишга эга. Жумладан, Давлат бюджети қуйидаги даражадаги бюджетлардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;
- 2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари.

Республика бюджети - давлат бюджетининг умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбаалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфининг йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджет - давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда маълум маъмурий бирликнинг даромадлар манбаалри ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфининг йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар таркибига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари, Тошкент шаҳар бюджети ҳамда мазкур бюджетларга кирувчи қуйи (шаҳар, туман) бюджетлари киради. Уларнинг даромадлари ва харажатлари таркиби, бюджет жараёни ва бюджет ҳуқуқи қонун билан белгиланади.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидида муҳим таркибий қисмни ташкил этади ва маҳаллий ҳукумат органларининг фаолият кўрсатишларида молиявий манбаа бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўлиқ қамраб олади.

Юқоридагилар билан биргаликда маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга оширишда, биринчи навбатда давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида айтиш жоизки, бюджет маблағлари ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Мамлакатда яратилган ЯИМни тақсимлаш ва уни аҳолига етказиш асосан бюджет тизими орқали амалга оширади. Бунда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хизмат соҳаси билан боғлиқ асосий харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ сиёсатни амалга ошириш катта миқдордаги моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилади ва бу муҳим вазифалар маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш ҳам асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумдавлат пул маблағларини бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланишининг асосини ҳудудий бюджетлар мустақиллиги, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини ҳудудий манбаалар ҳисобидан шаклланиш тамойиллари ташкил этади. Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ўз даромадлари ва бошқариладиган манбаалар ҳисобидаги даромадлардан шаклланади.



## 2-расм. 2018 йилда ҳудудлар ихтиёрида колдирилган маблағлар.

Юқорида келтирилган диаграммдан қуйидагича хулоса қилиш мумкин. 2018 йилда ҳудудлар ихтиёрида қолган маблағларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, энг кам даромад (171 млрд сўм) Сирдарё вилояти ҳиссасига тўғри келади ва ўтган 2017 йилга нисбатан 6,1 % ўсиш тенденциясига эга. Хоразм (195 млрд сўм), Жиззах (207,5 млрд сўм), Наманган (269,1 млрд сўм), Фарғона (290 млрд сўм), Андижон (280 млрд сўм), Қашқадарё (461,5 млрд сўм) вилоятларида даромад даражасидан қатъий назар 2017 йилга нисбатан 4,4 %дан 5,4 %гача ўсиш қайд этилган. Ушбу кўрсаткичлар Сурхондарё (378,2 млрд сўм), Тошкент вилоятлари (422,3 млрд сўм) ҳамда Тошкент шаҳрида (925,5 млрд сўм) 5,6 %дан 6,1 %ни, Самарқанд вилоятида (403,2 млрд сўм) 9,4 %ни, Қорақалпоғистон Республикасида 7,2 %ни ташкил этган. Энг кам ўсиш суръатига Бухоро вилоятини (317,6 млрд сўм) 2,9 % билан мисол қилишимиз мумкин.

Ҳудудларда ички ислоҳотларни амалга оширилиши, маҳаллий бюджетларга тушумлар базасини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлани ишлаб чиқилиши Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятларига ҳамда Тошкент шаҳрига бюджет маблағларининг шаклланишига ўзининг ижобий натижасини кўрсатган.

Албатта бундай ўсиш кўрсаткичларига эга ҳудудларда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хизмат соҳаси билан боғлиқ асосий харажатлар улуши ҳам юқори даражада бўлади. Буни 3-расмдан кўришимиз мумкин.



## 3-расм. 2018 йилда давлат бюджетининг харажатлари (трлн сўм)[6].

Давлат бюджети харажатлари 2018 йил якунларига кўра 78,5 трлн сўмни ташкил этган бўлиб, 2017 йилга нисбатан 60 %га ошган.

Жаҳондаги ҳар қандай ривожланган давлатлар ўз ялпи ички маҳсулотининг йирик

қисмини мақсадли ва манзилли қайта тақсимлашга, мамлакат иқтисодиётини эркин ҳамда халқаро тажриба тамойиллари асосида ривожлантиришга, давлат молиявий ресурслари йўналишлари, унинг харажатларини тўғри самарали амалга оширилиши ва назоратини таъминлашга қодир бўлган замонавий давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштириб боришни талаб этади. Иқтисодиётни ҳозирги ривожланган босқичида бюджет даромадларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, харажатлар қисмида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлайдиган ғазначилик тизимини янада ривожлантириш масалалари долзарблик касб этади[7].

Табиийки марказлашган бюджет сиёсатидан воз кечиш жараёнида маҳаллий бюджетлар жойлардаги халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилинади. Демак бу жараёнда бюджет маълумотларининг очиқлигини таъминлашга ва бюджет муҳокамаси жараёнида фуқаролар иштирокини кенгайтириш вазифаси юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексида бюджет жараёнларининг очиқлиги тўғрисида тамойил белгиланган[2]. Унга мувофиқ: Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиб-таомилларининг жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очиқлигини;

Тасдиқланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини; Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг бориши тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини ва янгилаб борилишини аниқлатади.

Давлат бюджети деганда, аввало, давлат пул маблағларининг жавғармаси тушунилади. Солиқлар, божхона йиғимлари ва бошқа турдаги тўловлар кўринишида йил мобайнида давлат ғазнасига келиб тушган маблағлар, яъни, тушумлар орқали мамлакат бюджети шакллантирилади. Ушбу маблағлар, ўз навбатида, ҳаётимизнинг турли жабҳалари, қатор ижтимоий соҳалар ривожини учун мақсадли йўналтирилади. Бу эса бюджет даромадлари ва харажатларидан самарали амалга оширилишини тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат харажатлари ва даромадлари ислохотларнинг марказий нуқтасига айланди ва давлат бюджети ижросини таъминлашда шаффофлик тамойиллари иқтисодий кўрсаткичларни бошқаришнинг асосига айланади. Фуқаролар ҳукуматлар жамоат ресурсларини қандай бошқаришларини билиш ҳуқуқига эгадирлар, улар буни жуда узоқ вақтдан буён таъкидлаб келишади. Милоддан аввалги 350 йилдан Аристотелнинг таъкидлашича, "... хазинани фирибгарликдан ҳимоя қилиш учун уни бутун шаҳар олдида очиқ намоён қилиш керак ва турли хил кафолатли жойларда сақланадиган ҳисобларнинг нусхаларини тақдим этиш керак" (Шаҳ, 2007, Рензио ва Масуд, 2011). 20-асрнинг бошларида Санделсон: "Бюджет - бу бюджетга эркин ва чекланмаган жамоатчиликнинг аралашшига йўл қўйилмаса, бюджет эмас", деб таъкидлаган (Сунделсон, 1935, Рензио ва Масуд сўзлаган, 2011)[9].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 31 октябрь куни макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджетининг жорий

йилда кутилаётган ижроси ва 2020 йилга мўлжалланган параметрлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш маълумотида бюджет маълумотларининг очиқлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Унга мувофиқ, бюджет маълумотларининг очиқлигини янада ошириш мақсадида бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрганишнинг янги тартиби ҳақида сўз борди.

Ушбу тизимга кўра, 2020 йилдан бошлаб давлат бюджети қонун шаклида қабул қилинади ва халқ вакиллари томонидан назоратга олинади. Парламентга тақдим этиладиган Бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасида ва Бюджетномада аҳоли ва ташқи ҳамкорларимизга мамлакат бюджетининг ҳолати очиқ-ойдин, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда кўрсатилади.

Республикаи бюджети борасидани норматив ҳужжатлар Олий Мажлис томонидан, маҳаллий бюджетлар эса жойлардаги халқ депутатлари кенгашлари томонидан қабул қилинади. Қолаверса, харажатлар соҳалар бўйича эмас, вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланади. Идоралар мустақиллигини ошириш билан бирга, харажатларнинг самараси учун масъулияти ҳам кучайтирилмоқда.

Давлат молиявий назорат департаменти томонидан 2019 йилнинг 9 ойида ўтказилган жами 7152 та молиявий назорат тадбирларида 302,8 млрд сўм миқдоридида қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланиб, шундан 148,7 млрд сўми (49,1 %) бюджет ва мақсадли жамғармалар ҳамда хўжалик субъектлари ҳисоб рақамларига тикланиши таъминланган.

Ҳисобот даврида маҳаллий бюджетларнинг тузилиши ва ижроси юзасидан Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида кенг қамровли назорат тадбирлари ўтказилган.

Маҳаллий бюджетлар тузилиши ва ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари яқунлари тегишли вилоят ҳокимликларида маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, аниқланган бюджет интизомини бузилиш ҳолатларини такрорланмаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йўл қўйилган хато-камчиликларнинг аксарият қисми бюджетнинг харажатлар қисмига тўғри келади. Бюджетнинг харажатлар қисмини ижросини таъминлашда маҳаллий ҳокимият вакиллари ва кенг жамоатчилик фикри инобатга олинмаган. Табиийки бюджет ижроси маълумотларининг очиқлигини таъминланмаганлиги унинг назоратини сусайтириб юборади.

Мамлакат бюджетининг шаффофлигини ошириш мақсадида Ахборот платформалари интернетда брошюралар, тақдимотлар, бюджет параметрлари тўғрисидаги турли хил маълумотларни график шаклида тарқатиш, босма оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар ва телевизион интервьюлар жойлаштириш учун хизмат қилади. Жамоатчилик муҳокамалари жамоат йиғинларида, ҳудудий халқ депутатлари кенгашида, онлайн мунозаралар ва сўровлар ўтказиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайтидаги форумда иштирок этиш билан, мақсадли дастурлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамалари шаклида ўтказилади.

Ўзбекистон аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини ўрганиш натижалари "Фуқаролар учун бюджет" ахборот нашрига бўлган юқори даражадаги қизиқиш борлигини аниқлашга ёрдам беради - аҳоли маҳаллий бюджет маблағларини

нимага сарф қилинаётганини билишни истайди. Шунингдек, кўпчилик аҳоли болалар боғчаларига, уй-жой шароитларини яхшилашга, соғлиқни сақлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, йўл инфратузилмаси ва бошқаларга бюджет маблағларининг қанчалик сарфланаётганлигига қизиқиш билдиради. Шунга қарамай, фуқаролар фаоллигининг паст даражаси муаммо бўлиб қолмоқда: маълум бир қатлам бюджет лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига тақдим этишга қарши, бир қисми эса бюджетни тайёрлашда профессионаллар жалб қилиниши кераклигига ишонишади ва бошқалар фикри ҳеч нарсага таъсир қилмайди деб ҳисоблашади.

Тақдим этилган маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш учун биз "Фуқаролар учун бюджет"ни бюджетнинг барча даражаларда бюджет харажатлари ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни ягона Интернет-ресурс шаклида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ягона портали "Очиқ бюджет"ни ([www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz)) ташкил этган ҳолда синхронлаштиришни тақлиф этамиз.

Ушбу порталда ҳар қандай фуқаро (нафақахўр, талаба, ота-она, тadbиркор, ишчи, ишсиз, мулк эгаси ва бошқалар) куйидаги аниқ маълумотларни тушунарли тарзда олиш имконияти мавжуд бўлиши керак[8]:

- унинг давлат олдидаги мажбуриятлари тўғрисида - қандай солиқлар, қанча миқдорда, қачон тўлаш кераклиги, уларни тўлаш тартиби (тўлов ҳужжатини чоп этиш мумкин бўлиши керак);
- ўз ҳуқуқлари тўғрисида (давлатдан нимани олиши мумкин):
- унга бюджетдан тўланадиган тўловлар (пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, уй сотиб олиш учун субсидиялар, ўз бизнесингизни бошлаш, ёрдамчи фермер хўжалигини юритиш ва бошқалар) - уларнинг ҳажми (тўловлар контекстида), уни олиш тартиби (зарур ҳужжатлар, манзиллар) ва бошқалар;
- жорий имтиёзлар (солиқ имтиёзлари, солиқ тўловларини тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш), ижара ҳақини камайтириш, коммунал тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар ва бошқалар) - уларни олиш шартлари, ҳажми ва тартиби (ҳужжатлар, манзиллар) ва ҳк.;
- тақдим этилаётган хизматлар (қандай хизматлар бепул олиниши мумкин (фаолият тури бўйича), унга қизиққан муассасалардаги хизматлар қиймати (фаолият турлари бўйича), хизматлар сифати бўйича муассасаларнинг рейтинглари, уларни олиш тартиби, алоқа маълумотлари ва бошқалар);
- бошқа имтиёзлар (иссиқ сув, ёруғлик, кўча ёритгичи, ёъллар, жамоат транспорти ва бошқалар) - уларнинг нархи (тарифлар), уларни таъминловчи (ташкilot номи, алоқа учун маълумотлар) ва бошқалар.

Қоидага кўра, кўрсатиб ўтилган маълумотлар Интернет-ресурсларда аллақачон мавжуд: ҳудудий ижро ҳокимияти органлари (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) веб-сайтларида, давлат солиқ хизмати органларида, солиқ хизмати органларида, давлат (шаҳар) муассасалари ва ҳоказоларда. Аммо бу маълумотлар тизимлаштирилмаган. Шунинг учун уларни тизимлаштириш керак. Турли ахборот манбаалари билан ўзаро боғлиқлиги таъминланган Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ягона порталини яратиш зарур. Ягона портал кишиларнинг маълумотларини қидиришда қулай шаклда яратилиши лозим.


Бундан ташқари, маълумотни тақдим этишнинг ягона форматини аниқлаб олиш, бюджет харажатларидан олинган натижага эътибор қаратган ҳолда,

"Фуқаролар учун бюджет"нинг вилоят ва шаҳар учун намунавий тартибини белгилаш керак. Маълумотни тақдим этишнинг ягона форматидан фойдаланган ҳолда (марказлашган ҳолда республика даражасида) фойдаланувчи турли ҳудудлардаги (вилоятларда) бюджет кўрсаткичларини таққослаш имкониятига эга бўлади.

Давлат ва маҳаллий молияларнинг очиқлигини (ошкоралигини) ошириш учун муҳим фаолият соҳаси ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловалар билан ишлаш ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда, биз ижтимоий тармоқларда тематик гуруҳларни яратиш ҳақида гаплашмоқдамиз. Ушбу соҳада кенг кўламли ишлар Facebook, Instagram, Twitter ижтимоий тармоқларида, Telegramнинг расмий каналларида кўринади. Тармоқлар расмий веб-сайти фойдаланувчиларига муҳим минтақавий янгиликларни, шу жумладан бюджет янгиликларини тезда билиб олишга имкон берадиган янгиликлар лентасини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида "Очиқ бюджет" ([www.openbudget.uz](http://www.openbudget.uz)) портали иш бошлагани кўп вақт бўлгани йўқ. Бугунги кунда у нафақат бюджет ижроси тўғрисида батафсил маълумотларни, балки фуқароларга маҳаллий бюджетдан кўшимча маблағларнинг бир қисмини сарф қилиш йўналишини аниқлашга имкон бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида уларнинг ҳажми бутун республика бўйича 253,4 млрд. сўмни ташкил этди, шундан 28,9 млрд. сўми ушбу порталда фуқаролар томонидан таклиф этилган ва кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланган тадбирларга йўналтирилди.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги веб-сайтида "Фуқаролар учун бюджет" лойиҳасининг 2020 йил мўлжалланган прогнозлари эълон қилинмоқда. Жумладан, 2020 йил учун Давлат бюджети даромадлари 128 460,0 млрд. сўм (ёки ЯИМнинг 20 фоизи) миқдорида режалаштирилган, бу эса 2019 йил якуни бўйича даромадларнинг кутилаётган ижросидан 15 817,1 млрд. сўмга кўпроқдир. 2020 йил учун Давлат бюджетининг кутилаётган тушумларини баҳолашда иқтисодиётнинг реал ўсиши, солиқлар маъмурчилигини такомиллаштириш, алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши, шунингдек нарх ва валюта курсининг кутилаётган ошиши каби омиллар ҳисобга олинган.



4-расм. Давлат бюджети даромадлари тузилмаси, 2020 йил учун прогноз (млрд. сўм)[10]



2020 йил учун прогнозлаштирилаётган Давлат бюджетининг даромадлари тузилмасида билвосита солиқларнинг бироз қисқариши билан, бевосита солиқлар улушининг ўсиш тенденцияси сақлаб қолинмоқда.



5-расм. 2020 йил давлат бюджети харажатларининг тузилмаси (млрд. сўм)[10]

2020 йилда Давлат бюджети харажатлари 131 104,5 млрд. сўм миқдоридан бўлиши прогноз қилинмоқда, бу эса 2019 йилда тасдиқланган параметрлардан 22,4 фоизга кўпдир.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Молия-бюджет интизомини барқарорлаштириш мақсадида олдимизда турган энг муҳим вазифа - бу, йўналтирилаётган ҳар бир сўм иқтисодиёт учун қандай натижа бераётганлигини билиш. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Ҳокимлик молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳудудий молия органларини тўлиқ маҳаллий давлат органлари тузилмасига ўтказиш зарур; Маҳаллий бюджетлар даромадини мустаҳлаш мақсадида автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш йиғимлари маҳаллий бюджетга ўтказиш лозим; Алкоголь маҳсулотлари ва мобиль алоқа хизматини кўрсатиш учун акциз солиғи тушумлари аҳоли сонидан келиб чиқиб, ҳудудлар ўртасида қайта тақсимлаш керак;

Кўшича қиймат солиғи ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича прогноздан орттириб бажарилган қисми тўлиқ ҳудудларда қолдирилиши лозим;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши лозим; Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан бирга "Фуқаролар учун бюджет"

ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиниши керак.

## REFERENCES

---


- 1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. №6 (766)-сон
- 2 Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. (2014 йил 1 январдан кучга кирган). Т.: Адолат-2018
- 3 ПК-3917-сон "Бюджет маълумотларининг очиклиги ва бюджет жарфёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"
- 4 Маликов Т., Ҳайдаров Н. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни) Т.: "Иқтисод-молия", 2007 й. 10-бет
- 5 Срождидинов З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.: инфоСОМ.УЗ МЧЖ, 2010 й.
- 6 Ўзбекистон стратегияси. Т.: "Credo Print", #4.2018 й. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz)
- 7 М.А.Мансуров. Фазначилик ва уни ривожлантириш истиқболлари. Монография. Т.: Камалак-2018
- 8 А.С. Чулков. Перспективы повышения открытости (прозрачности) государственных и муниципальных финансов в субъектах российской федерации. Финансы и кредит, 2017, т. 23, вып. 24, стр. 1410-1421 <http://fin-izdat.ru/journal/fc>
- 9 Maria Violeta Cimpoeu, Valentin Cimpoeu Budgetary Transparency - An Improving Factor for Corruption Control and Economic Performance. Procedia Economics and Finance, Volume 27, 2015, Pages 579-586
- 10 [https://www.mf.uz/media/file/state-budget/pub/citizens\\_budget\\_2020\\_uz.pdf](https://www.mf.uz/media/file/state-budget/pub/citizens_budget_2020_uz.pdf)

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

Наргиза Баходировна Абдулазизова  
Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё  
мамлакатлари иқтисодиёти" кафедраси

## ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-5>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқаро ва Япония пенсия тизими ислоҳотлари ўрганилди. Замонавий демографик ўзгаришлар шароитида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг жаҳон тенденциялари таҳлил қилинди. Мақолада пенсия тизимининг мавжуд моделлари қиёсий таҳлил қилинди ва жаҳонда пенсия ислоҳотларининг асосий назариялари ҳамда босқичларига баҳо берилди. Мазкур илмий ишнинг мақсади - дунё мамлакатларида аҳоли қариши жараёни ва пенсия тизими ислоҳотларининг ўзига хос жиҳатларини хориж тажрибасидан, хусусан Япония мисолида ўрганишдан иборат. Мақола мазмунини ёритишда қиёсий таҳлил, прогнозлаш, кузатиш, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилди.

**Таянч сўзлар:** пенсия тизими, пенсия ислоҳоти, боғлиқлик коэффициенти, тақсимловчи пенсия тизими, жамғарувчи пенсия тизими, пенсия ёши.

Абдулазизова Наргиза Баходировна  
Кафедра экономики Дальнего Востока и Южной Азии

## ЯПОНСКИЙ ОПЫТ РЕФОРМ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются международные пенсионные реформы, в частности японская пенсионная система. В контексте современных демографических изменений, были проанализированы мировые тенденции в пенсионной реформе. В статье проанализированы основные модели пенсионной системы и изучены теории и этапы пенсионной реформы в мире. Целью данной работы является изучение опыта процесса старения населения в мире и особенностей реформы пенсионной системы, в частности японского опыта. В содержании статьи использованы методы сравнительного анализа,

прогнозирование, наблюдение и синтеза.

**Ключевые слова:** пенсионная система, пенсионная реформа, коэффициент замещения, распределительная пенсионная система, накопительная пенсионная система, пенсионный возраст.

**Abdulazizova Nargiza Bakhodirovna**

Department of Economics of the Far East and South Asia

## JAPAN'S EXPERIENCE OF PENSION SYSTEM REFORMS

### ANNOTATION

This article discusses international and Japanese pension system reforms. In the context of modern demographic changes, global trends in pension reform were analyzed. The article analyzes the main models of the pension system and studies theories and stages of pension reform in the world. The purpose of this work is to study the experience of the aging population in the world and the peculiarities of the reform of the pension system, in particular the Japanese experience. The article uses methods of comparative analysis, prediction, observation and synthesis.

**Key words:** pension system, pension reform, replacement rate, distributive pension system (PAYG), fully funded pension system, retirement age.

**К ИРИШ.** Мазкур ишнинг асосий мақсади - дунё мамлакатларида аҳоли қариши жараёни ва пенсия тизими ислохотларининг ўзига хос жиҳатларини хориж тажрибаси, хусусан Япония мисолида ўрганиш ва тадқиқ этишдан иборат. Юқорида келтирилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, мазкур ишнинг вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

- дунё аҳолисининг қариши сабаблари, оқибатлари ва ривожланиш тенденциялари билан танишиб чиқиш;
- пенсия тизимини ислох этишнинг халқаро моделлари ва уларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш;
- аҳоли қариш жараёнларининг иқтисодиётга таъсирини тадқиқ қилиш;
- пенсия тизимини ислох этишга қаратилган стратегиялар ва режалар дастурини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- жаҳон пенсия тизими ислохотлари тажрибасидан Ўзбекистон пенсия тизимини такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш.

Дунё аҳолисининг қариши муаммоси бугунги кунда глобал ҳодиса ҳисобланиб, унинг кўлами борган сари кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда глобал масштабда дунё аҳолисининг табиий ўсиш даражаси пасайиб, кекса ёшдаги аҳолининг улуши ва умр давомийлиги ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида меҳнатга лаёқатлилар улушининг қисқариши, уларга тушадиган солиқ юкининг оғирлашуви, пенсия таъминоти каби масалаларни келтириб чиқаради. БМТ кузатувларига кўра, ер юзида ҳар кун икки юз минг киши 60 ёшни қаршилайди. Айтиш мумкин, ер юзидаги ҳар ўнинчи одам 60 ёшдан катталар ҳисобланади.

Ер юзи аҳолисининг демографик қариш муаммоси нафақат демографик балки, иқтисодий, ижтимоий ва психологик характердаги муаммоларни ечиш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки, аҳоли таркибида кекса ёшдаги кишилар улушининг ортиши, давлат олдида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масаласини

кўндаланг кўяди. Хусусан, у соғлиқни сақлаш, ишсизлик, пенсия тизими, суғурта, таълим ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Бундан ташқари демографик ўзгаришлар ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ҳақидаги маълумотларни тадқиқ ва таҳлил қилиш орқали келажакдаги ҳодисаларни башоратлаш имконияти туғилади.

Дунёнинг исталган мамлакати ижтимоий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири бу - ижтимоий таъминот ва тиббий суғурта билан бир қаторда пенсия сиёсатини амалга оширишдир. Сўнгги йилларда умумжаҳон миқёсида кузатилаётган аҳолининг қариш жараёнлари ҳар қандай давлат учун макроиқтисодий муаммога айланиб бормоқда. Аҳолининг қариб бориши давлат қарзларининг ўсишига олиб келади ва бюджет дефицитини тобора ошишига сабаб бўлади.

Пенсия тизими эволюциясини таҳлил қиладиган бўлсак, бутун дунёда дастлаб авлодлар бирдамлиги тамойили (ПАЙГ)га асосланган тақсимловчи пенсия тизимлари амал қилган.

Бундай тизим ходимлар томонидан иш ҳақи фондида пенсия бадалларини мунтазам ўтказиб бориши эвазига улар пенсия ёшига етганларидан сўнг пенсия тўлаш имконини берди. Бугунги кунга қадар пенсия тизими ислохотлари радикал равишда ўзгарди. Ислохотларнинг туб моҳияти фақатгина давлат эмас, балки ходимларнинг ўзлари ҳам қариликдаги минимал яшаш шароитини таъминлашда янада маъсулият ҳис қилишлари ва иш берувчиларнинг ходимлар учун суғурта тўлови бўйича жавобгарлигини оширишга қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракат стратегиясининг асосини, авваламбор, инсон манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар ташкил қилади. Ҳаракатлар стратегиясида "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналиш кўзда тутилган бўлиб, "фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш" чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу мақсадга эришишда пенсия тизими ислохотларини амалга ошириш ва бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш долзарб масалалардан саналади.

**МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.** Пенсия тизими, пенсия тизими ислохотлари ва моделлари таҳлили, пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш, демографик ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири билан боғлиқ масалалар кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, хорижлик олимлардан Николас Барр нинг Пенсия бошқотирмаси номли монографиясида, Arbatı E., Feher C., Ree J.J.K., Saito I., M.Soto нинг Осиё мамлакатлари пенсия тизими борасидаги илмий ишларида, М.М.Аранжереева нинг нодавлат пенсия фондларини ривожлантиришга бағишланган монографияларини келтириш мумкин.

Статистик ва аналитик маълумот базалари сифатида ИҲТТ (ОЕСД)нинг хар йили чоп этиладиган "Pensions at a Glance" номли хисоботидан, БМТнинг "The 2019 Revision of World Population Prospects" номли аналитик хисоботидан, ҳамда Жаҳон банки, Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларидан кенг қўлланилади. Япон олимларидан Такаяма Нориюки[16], Нишимура Кубонива[17], Ж.Сакамото, Т.Эндо ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодчи-олимларидан эса, А.Вахабовнинг "Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси" номли дарслигида ва кўплаб илмий

мақолаларида, Д.И.Шауловнинг "Реформирование пенсионной системы Республики Узбекистан" ва Ш.З.Давроновнинг "Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш зарурати халқаро тажриба ва тендециялар" номли илмий мақолаларида, Б.Х.Умурзаковнинг "Демографик ҳолат, меҳнат ва пенсия миқдорларига оид тенденциялар" номли мақоласи ва "Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений" монографиясида, Д.Рустамов ва Б.Маматовнинг Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги илмий ишларида ва бошқа бир қанча олимларимизнинг илмий изланишларида мазкур мавзу доирасидаги тадқиқотлар учрайди.

**ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.** Ушбу мақолада қўлланилган усулларнинг тавсифи сифатида таққослаш, гуруҳлаш, статистик таҳлил, прогнозлаш, монографик кузатиш методик услубларидан фойдаланилди. Хусусан, жаҳон мамлакатлари пенсия тизими моделлари, тамойиллари, пенсия тизими ислоҳотлари қиёсий таҳлил қилинган. Пенсия тизими ва демографик жараёнларнинг боғлиқлиги ва уларнинг иқтисодиётга таъсирини аниқлаш мақсадида прогнозлаш методидан фойдаланилган. Пенсия тизими ислоҳолари характери ва унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш учун мамлакатлар гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Шунингдек, маълумотларни таҳлил қилишда, халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларнинг бирламчи манбаларидан фойдаланилди.

**ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.** Демографик қариш ҳодисаси илк бор 19 асда кузатилган бўлсада, унинг кенг масштабли таъсири 20 аснинг охирига келиб кучайиб кетди. Ушбу жараён бир неча ўн йиллар аввал ривожланган мамлакатлар учунгина характерли тенденсия ҳисобланган бўлса, эндиликда ривожланаётган мамлакатлар ҳам ушбу муаммо билан тўқнаш келмоқдалар. Кексалар дунё миқёсида мутаносиб равишда кўпайиб бормоқда. 2020 йилга келиб ОЕСД аҳолисининг 26 фоизини 60 ёшдан катталар ташкил этади, ҳозирги вақтда эса бу кўрсаткич 19 фоизга тенг.

Дунё аҳолисининг демографик қариши сабаби сифатида қуйидаги асосий омилларни келтириш мумкин:

1. Туғилиш коэффициентининг пастлиги - Туғилиш коэффициенти 15-49 ёшда бўлган даврда ўртача битта аёлнинг нечта фарзанд кўра олиши билан ифодаланиб, оддий авлодлар алмашилишини таъминлаш учун бу кўрсаткич 2,15 дан кам бўлмаслиги лозим. Бу кўрсаткич ҳозирда минтақада 2,10% ни минтақадаги ривожланган мамлакат Японияда эса, энг паст бўлган 1,41% ни ташкил этмоқда. Туғилиш коэффициентининг пастлиги тенденсияси XX асда ривожланган мамлакатларга хос бўлган бўлса, эндиликда у айнан ривожланаётган мамлакатларга кўчди. Лекин ОТО минтақаси мамлакатлари ичида Япониянинг жорий йилда туғилиш кўрсаткичи салбий -0,19% ни ташкил этди .

2. Умр давомийлигининг ортиши - бу соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллашуви ва яшаш шароитларининг яхшиланиши билан боғлиқ. Статистик маълумотларга кўра, умр давомийлиги айниқса ОТО минтақаси мамлакатларида ошмоқда. Шунингдек, бу кўрсаткичга ўлим даражасининг пасайиши ҳам бевосита таъсир қилиб, 1950 йилларда дунё бўйича ўлим коэффициенти 19,5% ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда у 8% га тушди. Парадокс шундан иборатки, ҳозирда ўлим даражаси ривожланаётган мамлакатлардан (7%) кўра ривожланган мамлакатларда (10%) юқориқдир.


3. Миграция жараёнлари - глобаллашув шароитида халқаро ишчи кучи

миграциясининг эркин ҳаракати таъсирида турли иқтисодий сабабларга кўра, асосан мамлакатдан ёшлар ва иқтисодий фаол бўлган аҳоли қатлами чиқиб кетади. Бу эса қабул қилувчи мамлакат аҳолисининг ёшаришига ва чиқиш мамлакат аҳолисининг қаришига олиб келади.

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш зарурияти демографик ўзгаришлар, ижтимоий суғурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш даражасини ошириш, пенсия тизими молиявий маблағларини тақсимлаш механизмни такомиллаштириш каби омиллар билан боғлиқ ҳисобланади.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг қариши иқтисодиётга молиявий босимни кучайтишига олиб келади. Демографик қариш тенденцияси самарадорлик, капитал ва меҳнат ресурслари ҳолатига таъсир қилади. Аҳолининг қариши натижасида жамғариш ставкаси пасаяди ва капитал дефицити юзага келади, технологик тараққиёт натижаларига инвестиция учун капитал ёқлиги сабабли технологик турғунлик юз беради ва бунинг оқибатида ишлаб чиқариш самарадорлиги тушиб боради. Шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучининг етишмаслиги меҳнат ресурсларига бўлган талаб қондирилмайди ва бу мамлакатнинг рақобатбардошлигига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади.

Қуйидаги расмда энг йирик пенсия тизимига эга бўлган олти мамлакат учун пенсия ёши кўрсатилган бўлиб, ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида пенсия ёши 65 ёшни (Японияда 60 ёш) ташкил этади. Устуннинг пастки сатри 1960 йилда умр кўриш давомийлиги билан кутилган тўловлар йилини билдиради. Бу ўртача беш йилдан саккиз йилгача бўлган тўловларга тўғри келади. 2015-йилда умр кўриш давомийлигини ҳисобга оладиган бўлсак, пенсионерлар энди саккиз йилдан 11 йилгача, Японияда эса 16 йил умр кўришини кузатишимиз мумкин. Бу рақамлар пенсия тизими учун энди улар учун ажратилганидан икки-уч баробар кўпроқ харажат қилинишини англатади. Юқоридаги сатр 2050 йилга бориб, умр кўриш давомийлигининг тахминий ўсиш йилларини англатади.



**1-расм. Ривожланган мамлакатларда кутилаётган умр кўриш давомийлиги (1960, 2015, 2050 йиллар)**

Аслида, ўртача умр кўриш давомийлигининг ортиши чақалоқлар ўлимининг камайиши билан боғлиқдир. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, ҳар 1000 кишига тўғри келадиган бир ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими Японияда 2, Сингапурда 1,5, Хитойда 10, Корея Республикасида 2,3 ва Ўзбекистонда 41,8 кишини ташкил этади .

Пенсия муаммосининг қанчалик долзарблигини пенсия фондлари жамғармаларидаги камомад изоҳлаб беради. Дунё амалиётида пенсия жамғармаси уч йўналиш орқали шакллантирилади:

1. Давлат пенсиялари
2. Касбий пенсия
3. Шахсий жамғармалар

Пенсия жамғармаси таркибига кўра, давлат пенсияси 75%, касбий пенсия 1% ва шахсий пенсия жамғармалари 24% улушга эга. АҚШ, Япония, Голландия, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия каби мамлакатларда пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида юқорида санаб ўтилган уч йўналиши мавжуд. Демак, пенсия таъминоти харажатларининг ошиши натижасида юзага келадиган бюджет тақчиллиги муаммосини олдини олиш ва кекса ёшдагиларнинг пенсия билан таъминланганлик даражасини ошириш учун нодавлат ва хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Япония ҳукумати 1985 йилда замонавий ижтимоий суғурта ва пенсия тизимини яратди. У учта устунли тизимдан иборат. Улар:

1. Асосий жамғариб бориловчи миллий пенсия (ягона ставкада);
2. Мажбурий касбий пенсия (бадаллар ва ойлик маош миқдорига қараб);
3. Хусусий жамғарма фондлари тизими

Шунингдек, ногиронлик нафақаси ва бева аёлларнинг пенсиялари ҳам мавжуд.

Биринчи турдаги пенсия - (Кокумин Ненкин) 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган Японияда рўйхатдан ўтган барча фуқароларни миллий пенсия тизимига жалб қилади. У Ўзбекистондаги Шахсий Жамғариб Бориловчи Пенсия (ШЖБП)га тўғри келади. Аммо, Ўзбекистондан фарқли равишда бу нафақа тури аҳолининг шахсий даромадлари миқдорига боғлиқ эмас. Жамғариловчи улуш аниқ белгиланган ставкада йиғиб борилади. Ҳар бир ойнинг тўлови шу ойнинг охирига қадар амалга оширилиши лозим. Тўлов банк ва бошқа молиявий институтлар, почта оффислари орқали нақд пул ёки автоматик банк трансферлари йўли билан тўланиши мумкин. Муддатидан олдин тўланган улушлар учун махсус чегирмалар мавжуд. Шунингдек, кам даромадли шахслар ва талабалар ойлик бадаллардан қисман ёки бутунлай озод қилинишлари мумкин. Бунинг учун фуқаролар маҳаллий идора оффисларига мурожат қилишлари зарур. Шундан сўнг уларнинг ойлик даромадлари ўрганиб чиқилади ва 25%, 50%, 75% ва 100% лик чегирмалар берилади. Агар шахснинг ишсиз турмуш ўртоғи мавжуд бўлса, у ҳам ойлик бадаллардан бутунлай озод этилади. Тўланадиган нафақа миқдори агар шахс 65 ёшга тўлган ва камида 40 йил мобайнида улуш тўлаган бўлса йилига 780100 ? ни ташкил қилади (2015). Ушбу миқдор мамлакатда ўртача йиллик иш ҳақининг 15% га тенг. Аслида бу турдаги нафақани олиш учун минимал ёш 60 ёш ва энг камида 25 йил мобайнида улуш тўлаган бўлиш кифоя, аммо нафақа миқдори ҳам шунга мос равишда камроқ бўлади ва, аксинча, 65 ёшдан сўнг ҳам ишлаган шахслар учун бу миқдор янада ошади.



Бу турдаги пенсия "пай ас ёу го" принципига асосланади (белгиланган нафақа схемаси), фойда даражаси шахсга боғлиқ эмас, Асосий миллий пенсия тизимига бадал тўлаш мажбурийдир (аммо, истисноли ҳолатларда бадални тўлиқ ёки қисман тўлаш, ҳамда озод қилиш имконияти мавжуд). Миллий пенсия ва касбий пенсия тизимида иштирок этиш давлат ва хусусий сектор ходимлари учун мажбурийдир. Фермерлар, хусусий ишлари билан банд бўлганлар, талабалар, ишсизлар, шунингдек бевалар (етимлар) фақатгина миллий пенсия тизимида иштирок этадилар.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин Япония пенсия тизими профессионал компанияларнинг маблағлари асосида фаолият юритар эди. Бу даврда анъанавий оилавий муносабатлар кучли бўлиб, пенсия тизими Бисмарк анъаналарига асосланган эди. 1985 йилги ислоҳотга қадар пенсия дастурлари учта эди:

Профессионал пенсия (компанияларда ишлаётганлар учун, пенсия тўловга боғлиқ эди); Миллий пенсия тизими (фақатгина фермерлар ва ўрмончиларга нисбатан қўлланилади; давлат хизматчилари пенсия тизими.

1890 йилда Японияда ижтимоий суғурта схемаси пайдо бўлди ва у фақат аскарлар учун тайинланди. Кейинчалик, ижтимоий суғурта тизими кенгайтирилди ва давлат хизматчилари учун суғурта схемаси яратилди. 1905 йилда "Кўмир конларида ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодиса" тўғрисидаги қонун қабул қилинди. 1911 йилда "Завод ишчилари учун" ва шунга ўхшаш қоидалар жорий этилди. 1922 йилда "Ишчилар учун тиббий суғурта тўғрисида" қонун қабул қилинди ва ижтимоий масалалар бўйича кенгаш ташкил этилди. Худди шу йили ички ишлар вазирлиги ташкил этилди. 1931 йилги "Иш жойидаги бахтсиз ҳодисаларни қоплаш тўғрисида", 1936 йилда эса "Меҳнат пенсиялари тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. 1941 йилда ходимлар ногиронлик ва ўлим нафақаларини олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. 1944 йилда "Янги ижтимоий нафақа" тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. 1938 йилда "Миллий Саломатлик Суғуртаси тўғрисидаги қонун (барча шахсларга тегишли), 1939 йилда денгизчилар учун ижтимоий хавфсизлик таъминланди.

1985 йилда касаба уюшмалари, жамият ва оммавий ахборот воситалари томонидан босимнинг ошиши биринчи устун - миллий универсал асосий пенсия тизими ва бошқалар бўйича ислоҳотларнинг амалга оширилишига олиб келди. Ушбу босқичда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:

- а) хизматчиларнинг пенсия тизими ва иккинчи устундаги касбий пенсияни бирлаштириш;
- б) даромаднинг асосий кафолатларини яратиш (ойига 50 минг иен тўлиқ миқдордаги миллий универсал асосий пенсия тизими яратилди);
- с) ишламайдиган турмуш ўртоғи учун ижтимоий суғурталаш кафолатларини яратиш;
- д) барча тоифадаги шахслар учун бир даражадаги асосий пенсия тизимини ташкил этиш (ходимлар ёки ўз-ўзини банд қилганлар);
- е) пенсияларни алмаштириш ставкасини тартибга солиш .

1985 йилда "Миллий пенсия тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва пенсия жорий этилди. Ушбу пенсия 65 ёшга тўлган барча шахсларга тўланади. 1985 йилда ислоҳотларни амалга ошириш учун тўловлар қисқартирилди ва бева аёлларга пенсия таъминоти жорий қилинди.

1986 йилда иккинчи устун профессионал пенсия схемаси ислоҳ қилинди ва профессионал пенсияни олиш учун 40 йиллик бадал тўлаш мажбурий деб белгилаб қўйилди (25 йил давомида ўз ҳиссасини қўшган ва пул тўлаган шахслар учун махсус схема билан). Бундан ташқари, ходимнинг ишламайдиган турмуш ўртоғи ходимнинг биринчи пенсияси ҳисобидан суғурталаниши белгилаб қўйилди. 1986 йилдан ногирон кишилар миллий пенсия ҳисобидан суғурта қилинадиган бўлди. Демографик ҳолат ёмонлашгани ва пенсия тизимида кузатилаётган камомад 1994 йилда янги ислоҳотларни амалга ошириш заруратини туғдирди. Бу ислоҳотлар қуйидагилардан иборат бўлди:

- а) Миллий Аҳоли ва ижтимоий Ҳавфсизлик Институтини демографик прогнозларни таҳлил қилишга киришди;
- б) пенсия ёшини ошириш таклиф қилинди;
- с) пенсия индексацияси ўртача соф иш ҳақи асосида ўзгариши белгилаб қўйилди (1994 йилгача, умумий даромадга асосланган эди); қўшимча бонуслардан 1% бадал олиниши ҳамда ҳомиладорлик ёки туғруқ таътилида бўлган кишилар пенсия тўловларидан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Иккинчи турдаги пенсия - касбий пенсия тизими шахснинг даромадига боғлиқ бўлиб автоматик тарзда келишув асосида иш берувчи томонидан ходимнинг маошидан ушлаб қолинади ва улуш сифатида бюджетга ўтказилади. Бу турдаги нафақанинг миқдори (Миллий Пенсия миқдоридан ҳоли равишда) ўртача йиллик иш ҳақининг 28.5%ига тенг. Бу турдаги нафақани олиш учун шахс 20 йилдан 40 йилгача ишлаган ва ойлик бадалларни тўлаган бўлиши шарт. Касбий нафақа резервидан ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа турлари ҳам қопланади. Шахс вафот эца, унинг ёш болали турмуш ўртоғига ёки фарзандининг ўзига нафақа пули тўланади.

Шунингдек, бу захира фонди ижтимоий фаровонлик дастурлари (йўллар, темир йўллар, аэропортлар ва бошқа давлат лойиҳалари қуришни ҳам қоплаб беради.

Учинчи турдаги пенсия - хусусий жамғарма фондларини ўз ичига олади. Нафақа миқдори нафақадаги шахснинг муқаддам қанча муддат давомида ва қанча миқдорда улуш тўловларини амалга оширганига боғлиқ. Бу турдаги пенсия тизимида ҳам жамғарма фонди, ишчи ва иш берувчи ўртасида шартномага мувофиқ ходимнинг маошидан иш берувчи фирма томонидан белгиланган фоизда жамғарма фондига улуш бадаллари ўтказиб борилади. Одатда бу миқдор 4% ни ташкил қилади. Хусусий жамғарма фондларига аҳоли вакиллари 25 ёшдан 65 ёшгача аъзо бўлишлари мумкин. Бу турдаги фондларга аъзо ходимларга маълум солиқ чегирмалари берилади. Лекин аниқ индексация мавжуд эмас. Шахс нафақа ёшига етганда йиғилиб қолган нафақа пулини бирта марта ҳаммасини олиши ёки йиллик тўловлар асосида бўлиб-бўлиб олиши мумкин.

Япония пенсия тизимининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Япония резиденти сифатида рўйхатдан ўтган ва 20-59 ёшдаги барча шахслар, миллатидан қатъий назар, қонуний асосда Миллий Пенсия тизимида қатнашишга ва улуш тўловларини тўлашга мажбур.
- Давлат пенсия тизими (МП тизими билан бирга) авлодалараро қўллаб-қувватлаш механизми орқали бир бутун жамият сифатида ўзаро молиявий кўмак бериш мақсадида ўрнатилган.
- Давлат Пенсия тизими қариллик пенсиясини, шунингдек, молиявий

тангликни келтириб чиқарувчи қутилмаган фожиялар содир бўлганда ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақаларини таъминлайди.

- Япония ҳукумати нафақа тўловларининг бир қисмини субсидия орқали таъминлашни ўз зиммасига олади.

- Шахларнинг давлат пенсиясига улушлари "ижтимоий суғурта улуши" сифатида солиқ қисқартмаларига асос бўлади.

Япония пенсия тизимининг учта заиф томони мавжуд: бюджет дефицити, самарасиз бошқарув ва демографик муаммолар. 2002 йилдан бери пенсия таъминоти билан боғлиқ харажатлар жамғарма фондлар ҳисобидан қопланган. Япония иқтисодиёти ўса бошлаган даврдан бошлаб бюджет дефицити сезиларли равишда ошди. Ижтимоий суғурта бадаллари ва қўшилган қиймат солиғининг ортиши (пенсия тизимидаги камомад ҚҚС ҳисобидан қопланади), пенсия тизими дефицитини 2050 йилгача ошириб бориши прогноз қилинмоқда.

Япония пенсия тизимини ислоҳ этишда кўплаб илмий тадқиқотлар, халқаро ташкилотларнинг пенсия тизими борасидаги меъзонлари, хориж тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. Жумладан, пенсия таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда Т. Ямада тадқиқотларига асосланган ҳолда, иккинчи турдаги пенсияни бекор қилишни таклиф қилмоқда. Бунда биринчи турдаги миллий асосий пенсия тўғридан тўғри истеъмол ва даромад солиғи ҳисобидан молиялаштирилиши имконияти юзага келади. Бу орқали у келажакда нафақахўрларнинг фаровонлигини таъминлашга эришиш мумкин деб ҳисоблайди .

Осиё Тинч океани кенгашининг мутахассислари Японияда ижтимоий таъминот учун ажратиладиган маблағлар даражаси солиқ тушумларининг миқдори ҳам ортиб бораётганини таъкидламоқда. Компаниялар ижтимоий тўловларни тўлашда мураккабликка дуч келмоқда. Чунки ижтимоий тўловлар миқдорининг юқорилиги умумий иш ҳақи даражасини пасайишига олиб келади .

Дунё мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия ислоҳотлари икки ёъналишда олиб борилади. Улар:

1. Пенсия тизимига жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ "параметрик" ислоҳотлар. Ушбу ислоҳотлар пенсия олиш ҳуқуқи, бадаллар таркиби, тўловлар таркиби ва уларни тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритиш каби чоратadbирларни қамраб олади.

2. Пенсия тизимини тубдан ислоҳ этиш билан боғлиқ "тузилмавий" ислоҳотлар. Бунда амалдаги пенсия тизимини мутлоқ ўзгартириш назарда тутилиб, дунё мамлакатларининг 25 фоизида "тузилмавий" пенсия ислоҳотлари амалга оширилмоқда .

Жаҳон амалиётида пенсия тизимларини ислоҳ этишнинг қуйидаги моделлари мавжуд:

1. Лотин америка модели - ишчи, ҳодимлар пенсия жамғармаларини жамғариш учун индивидуал тартибда бошқарув компаниясини танлашади (индивидуал ҳисоб рақамлар);

2. Ижтимоий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) модели - пенсия жамғармаларини инвестиция мақсадларида бошқаришни амалга оширувчи компаниялар иш берувчи ёки қасаба уюшмаларининг ишончли вакиллари томонидан танланади (касбий схема);

3. Швед модели - пенсия тизимининг биринчи - тақсимотга асосланган даражаси шартли жамғариладиган компонент билан тўлдирилади (шартли-жамғариладиган

ҳисоб-рақамлар).

Пенсия тизимларини ислоҳ қилиш тўрт босқичда амалга оширилади. Улар муаммони аниқлаш, пенсия ислоҳотини лойиҳалаштириш, пенсия ислоҳотини ҳуқуқий асосини яратиш ва ислоҳот учун инфраструктурани тайёрлашдан иборат. Жаҳон мамлакатларида пенсия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йоналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, пенсияга чиқиш ёшини мунтазам равишда узайтириш сиёсатини ўтказиш, шунингдек, кеч пенсияга чиқувчиларни рағбатлантириш. Ҳозирда ақсарият ривожланган мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши 65 ёшни ташкил этади. Лекин мавжуд шароит ва демографик рискларнинг натижасида уларнинг кўпчилиги пенсияга чиқиш ёшини ўртача 67 ёшгача узайтиришни мақсад қилганлар. Дунёда эркаклар ва аёллар учун ўртача пенсияга чиқиш ёши 62 ёшни ташкил этади, Ўзбекистонда эса 57,5 ёшни ташкил этади. МДҲ мамлакатлари ичида ҳам бу паст кўрсаткич ҳисобланади. Сўнгги 20 йил давомида Германия, Италия, Туркия, Чехия, Японияда пенсия ёши узайтирилди. Буюк Британия, Италия, Франция, АҚШда яқин келажакда пенсия ёшини янада узайтириш бўйича қарор қабул қилинди[15]. Пенсия ёши (74) энг катта мамлакат келажакда Голландия бўлиши кутилмоқда.

Иккинчидан, давлат пенсия тизимига қўшимча равишда унинг ўрнини босувчи хусусий пенсия фондларини юзага келтириш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва бу орқали давлат пенсия таъминотига тушадиган оғир юкни камайтириш.

Учинчидан, жамғариб бориладиган пенсия тизимини қамровини кенгайтириш, индивидуал пенсия тизимларини яратиш, ривожлантириш ва бу орқали демографик омиллар таъсирида юзага келадиган тақсимот принципидаги ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш чораларини кўришдир. Пенсия таъминотини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, демографик ўзгаришлар шароитида жамғарилувчи тизим компонентларидан иборат тақсимловчи тизим ёки аралаш тизим самарали ҳисобланади. Аммо, меҳнатга лаёқатли аҳолининг кескин камайиши ва пенсионерлар сонининг ортиши келажакда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Солиқларнинг ортиши ва пенсия миқдорининг пасайиши пенсия ёшининг ортиши билан солиштирганда салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келади. Умуман олганда, барча пенсия ислоҳотларининг пировард мақсади пенсия тизимини демографик ўзгаришлар шароитига мувофиқлаштиришга қаратилган.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Хориж пенсия тизими ислоҳотлари натижаларидан маълум бўлдики, мавжуд иқтисодий шароитларда анъанавий тақсимловчи тизимдан кўра, жамғарувчи пенсия тизимининг элементларини қўллаб бориш самаралидир. Чунки ушбу тизим миллий жамғарманинг ва пул маблағларининг улушини ўсишига ҳамда инвестициялар ва иқтисодий ўсишга сабаб бўлади.

Пенсия тизимини ислоҳ этиш борасидаги хориж тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, ислоҳотларнинг самарали томонларини Ўзбекистон амалиётида қўллашнинг бир неча қўналишларини таклиф этиш мумкин:

- Пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш. Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, 2018 йилда ўтказилган кузатишлар натижаларига кўра, Ўзбекистонда кутилаётган умр давомийлиги 73,8 га етиб, Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи ўринни эгаллади. Лекин шунга қарамай

мамалактимизда ўртача пенсияга чиқиш ёши 57,7 ёшни ташкил этади. Бу МДХ мамлакатлари ичида энг кичик кўрсаткич ҳисобланади;

- Пенсия миқдорининг етарлилик даражасини ошириш мақсадида пенсия тизимини оптималлаштириш ва рационаллаштириш, шахсий жамғариб бориладиган хусусий пенсия жамғармаларини ташкил этиш ва фуқароларни уларга фаол жалб қилиш;

- Эркаклар ва аёллар ўртасидаги пенсияга чиқиш ёши ва талаб қилинадиган иш стажи ўртасидаги тафовутни қисқартириш. Шунингдек ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, глобал миқёсда, аёллар учун нафақа тўловлари одатда эркакларникига нисбатан 30-40% камроқдир. Бу эса аёлларнинг пенсия таъминотлари билан боғлиқ масалаларни ҳам қайта кўриб чиқиш ва ушбу қатламга нисбатан ижтимоий ҳимоя механизминини кучайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатади;

- Давлат пенсияларини ҳисоблаш, тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш. Бунда авваламбор инфляцияни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ходимнинг мамлакатга қўшган ҳиссаси ҳам ҳисобга олиниши лозим.

- Пенсия тизими самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот технологияларнинг дастурий таъминотини кенг жорий қилиш, архивлар, маълумотлар базаларининг электрон таъминотини йўлга қўйиш лозим. Бу пенсия ва нафақа олувчиларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлигига, аҳолининг пенсия жамғармасига бўлган ишончининг ошишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон пенсия тизимини ислоҳ этишда илғор хориж тажрибаларидан фойдаланиш, даромадларни тақсимлашнинг адолатли ва самарали механизминини йўлга қўйиш зарурдир. Шунингдек, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, глобал ўзгаришларга тезкор мослашувчан пенсия тизимини яратиш устувор аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда пенсия ислохотлари барқарор бозор институтларини шакллантириш билан параллел равишда амалга оширилиши лозим. Чунки, ўтиш иқтисодиёти шароитида, беқарорлик ҳолати узоқ муддатли молиявий сармояларнинг риск даражаси ошишига бу эса, жамғарувчи пенсия тизимини функционаллаштиришдаги қийинчиликларнинг юзага келишига олиб келади.

## REFERENCES

[1] Vavilov A.P. Pensionnaya bespechnost. Pochemu v Rossii ne rabotaet nakopitelnaya sistema. [Pension carelessness. Why is the accumulation system not working in Russia] Available at: [www.forbes.ru/sobytiya-column/fnansy/91177-pensionnaya-bespechnost-pochemu-v-rossii-ne-rabotaetnakopitelnaya-sis](http://www.forbes.ru/sobytiya-column/fnansy/91177-pensionnaya-bespechnost-pochemu-v-rossii-ne-rabotaetnakopitelnaya-sis). (accessed 10.01.2019)

[2] Davronov Sh.Z. [Need for reforming the pension system: international experience and trends] Pensiya taъminoti tizimini isloh etish zarurati: xalqaro tajriba va tendensiyalar / Pensiya taъminoti tizimini isloh etish Kontseptsiyasi: xalqaro tajriba va tendensiyalar, O`zbekistonda pensiya taъminoti tizimini rivojlantirish istiqbollari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari. [Concept of reforming the pension system: international experience and trends, prospects for the development of the pension system in Uzbekistan. Materials of the Republican Scientific-Practical Conference]. T., 2018, 330 p. (In Uzbek).

[3] Ekonomicheskaya gazeta: <https://neg.by/novosti/otkrytj/kakie-pensii-v-stranah-sng>


- [4] World Economic Forum. We'll Live to 100 - How Can We Afford It. WEF publishing, 2017, P.23.
- [5] The World Bank DataBank: Health Nutrition and Population Statistics: Population estimates and projections
- [6] Karimova Z., Yuldasheva M. Xorijiy davlatlar pensiya ta'minoti ilg'or tajribalaridan O'zbekistonda foydalanish imkoniyatlari ( Access to the best practices of retirement benefits from foreign countries in Uzbekistan) Tashkent, Iqtisod - Moliya, 2017. 300 p.
- [7] Montserrat Pallares-Miralles, Carolina Romero, and Edward Whitehouse. International Patterns Of Pension Provision II. A Worldwide Overview of Facts and Figures. The World Bank. Washington, DC, 2012. 72 p.
- [8] United nations (2017). World population prospects. The 2017 revision. URL:<https://population.un.org/wpp/>
- [9] Andrews, Emily S. Pension reform and the development of pension systems : an evaluation of World Bank assistance. The World Bank. Washington, DC, 2006. 70 p.
- [10] O'zbekiston pensiya tizimining moliyaviy barqarorligini ta'minlashning ustuvor yo'nalishlari [Priority directions of the financial sustainability of the Uzbek pension system] Pensiya ta'minoti tizimini isloh etish Kontseptsiyasi: xalqaro tajriba va tendentsiyalar, O'zbekistonda pensiya ta'minoti tizimini rivojlantirish istiqbollari. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari. [Concept of reforming the pension system: international experience and trends, perspectives for the development of the pension system in Uzbekistan. Materials of the Republican Scientific-Practical Conference] Tashkent, 2018. 223 p. (In Uzbek)
- [11] Montserrat Pallares-Miralles, Carolina Romero, and Edward Whitehouse. International Patterns Of Pension Provision II. A Worldwide Overview of Facts and Figures. The World Bank. Washington, DC, 2012. P. 72.
- [12] Rutkowski M. Returning Hope: pension system reforms in countries with transition economies, p.9."Flagship course on pension reform".The World Bank institute.22-30 january 2001. Budapesht, Hungary.
- [13] Vaxabov A.V., Xajibakiev Sh.X., Baxtiyorov B.B., Fayzullaev J.N., Raxmanov Sh.R., Odinaev D.Sh. Pensiya tizimini rivojlantirishning xorij tajribasi (Foreign experience of pension system development) Tashkent, "Iqtisod-Moliya", 2018.400 p.
- [14] Romanchenko V.S. Sravnitelniy analiz mejdunarodnogo opita [Comparative analysis of international experience of pension reform]. Vestnik Mejdunarodnogo instituta ekonomiki i prava, 2015. no.3, 78 p.
- [15] Gurvich E. Prinsipi novoy pensionnoy reformi [Principles of new pension reform].Voprosi ekonomiki - Economic issues, 2011, no.4, 67p.
- [16] <http://takayama-online.net/English/> - Pension economist Noriyuki Takayama
- [17] [https://www.nber.org/people/noriyuki\\_takayama](https://www.nber.org/people/noriyuki_takayama) - The National bureau of economic research

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

## ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ

**Abdurakhimova Mokhigul Oybek qizi**  
trainee teacher Department of "State Cadastre"  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

## IMPORTANCE OF THE EFFECTIVE USE OF THE LAND IN A MARKET ECONOMY

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-6>

### ANNOTATION

It is well known that land is the primary foundation, an important factor in the development of industries. Its effective and rational use will become an important direction for ensuring stability in the economy of the republic in the future. However, practice shows that in recent years land use in economic sectors, including agriculture, households and dekhon farms, does not meet the conditions of a market economy and is inefficient. Today, it is important to conduct research on land privatization in order to eliminate this situation, fully form market relations in the economy, use the experience of foreign countries, improve existing forms and methods and adapt to our conditions. **Keywords:** privatization, real estate, land market, land plot, land cadastre, market economy

**Абдурахимова Мохигул Ойбек кизи**  
стажёр-преподаватель Ташкентский институт инженеров  
ирригации и механизации сельского хозяйства

## ЗНАЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЛИ В РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ

### АННОТАЦИЯ

Общеизвестно, что земля является первичной основой, важным фактором развития отраслей экономики. Эффективное и рациональное его использование станет важным направлением обеспечения стабильности в экономике республики в будущем. Однако практика показывает, что в последние годы использование земель в секторах экономики, в том числе в сельском хозяйстве, домашних

хўжалик ва деҳқонлик хўжаликларидан, не мувофиқлик қилиб бозор муносабатларини тўла шакллантириш учун ер участкаларини ҳам хусусийлаштириш, республикамиз шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиб, мавжуд шакл ва услубларни такомиллаштириб, ўзимизнинг шароитимизга мослаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Ключевые слова:** приватизация, недвижимость, земельный рынок, земельный участок, земельный кадастр, рыночная экономика

**Абдурахимова Моҳигул Ойбек қизи**  
стажёр-ўқитувчи Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

### АННОТАЦИЯ

Маълумки, ер иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг бирламчи асоси, муҳим омили ҳисобланади. Ундан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш истиқболда республикамиз иқтисодиётидаги барқарорликни таъминлашда муҳим йўналиш бўлади. Аммо амалиёт жараёни шуни кўрсатадики, кейинги йилларда ер майдонларидан иқтисодиёт тармоқларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида, томорқа ва деҳқон хўжаликларида фойдаланиш даражаси бозор иқтисодиёти шароитларига жавоб бермаяпти, улар етарли самара бермаяпти. Бундай ҳолатга барҳам бериш, иқтисодиётда бозор муносабатларини тўла шакллантириш учун ер участкаларини ҳам хусусийлаштириш, республикамиз шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиб, мавжуд шакл ва услубларни такомиллаштириб, ўзимизнинг шароитимизга мослаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Калит сўзлар:** хусусийлаштириш, кўчмвҳас мулк, ер бозори, ер участкаси, ер кадастри, бозор иқтисодиёти

**INTRODUCTION.** The solution of a number of objective problems of society in the process of forming market relations determines the success of the reforms. At the same time, the reform of land ownership, based on the reform of land relations and the formation of the land market, is an important factor.

Large-scale reforms in the Republic of Uzbekistan led to the formation and sale of land ownership, to a certain extent, the land market. The natural and climatic conditions of our republic, the ethnic, national and traditional customs of our people are also reflected in land-use relations. The problem is also relevant due to the scientific and methodological justification for the formation and organization of the land market at the national and regional levels and its impact on the socio-economic conditions of the population. One of the obstacles to the effectiveness and development of land reform is the imperfection of competent decisions on land rights. A further increase in budget revenues, the creation of a unified system of government on the land market, and the development of rational methods of paying rent for the use of land will ensure the




efficient use of land resources. Land valuation by state bodies is carried out mainly on agricultural land. However, information on the assessment of non-commercial land types is not enough, especially about the value of the land plots on which the property is located. From this point of view, the article is aimed at studying the general issues of liberalization and modernization of the economy, the formation and management of the land market, as well as the study of priority areas of land relations in Uzbekistan based on the concept of the formation of the land market.

The third area of the "Strategy of Action in Five Priority Directions for the Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021", developed by the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev, is the reduction of state participation in the economy, protection of private property rights and its priority status. The issue of further strengthening is outlined. It provides for further expansion of the privatization of state property and simplification of its procedures.

The next step in the formation of the land market in accordance with international standards was the privatization of land. We believe that the use, assessment and legal protection of land as real estate is mandatory for land users. This will create the basis for more efficient use of land resources. This is because one of the principles of a market economy is the transition from general to particular. The privatization of the land and its ownership begins. Privatization of land leads to the rational and economical use of land resources. This is due to the fact that it has the same value as real estate, like buildings and structures, and allows you to sell, buy and exchange real estate with sale.

This is due to the development of multifunctional forms of ownership and use of land, which necessitates the development of land privatization processes. Privatization of land can only be successfully carried out through an in-depth study of factors and conditions affecting the value of plots, and the selection of optimal approaches and methods for conducting an objective assessment of the land.

**MAIN PART.** Factors and conditions affecting the value of privatized land can be divided into general (general) and specific (private) types. The specific factors and conditions affecting the value of privatized land are determined by the nature of the land plots involved in this process, their actual use, property relations and legal relationship with real estate located on these land plots.



**Graph 1. Description of land involved in the privatization process**

In accordance with the current legislation of the Republic, the land plots shown in graph 1 may be involved in the privatization process.

The study and analysis of available scientific resources indicate that currently the privatization of land in the republic is as follows:

expansion of various forms of ownership of land resources;  
expansion of private ownership of real estate and land (as a single property complex);  
privatization of land privatization procedures.

The determination of market value plays an important role in the privatization of land. Studying the experience of the countries of the world and their use in the development of land reforms in the country will create the basis for effective land use. As a result of studying the experience of Europe, Asia, the USA and the Commonwealth of Independent States (CIS), we single out the following areas that can be applied in the Republic of Uzbekistan:

- ensuring strict compliance with laws and regulations in the implementation of the land market in the implementation of land policy;
- further strengthening the legal protection of agricultural land in order to determine the priority of agricultural production;
- Strengthen the scientific, methodological and economic justification in order to prevent "disintegration" or increase the minimum or maximum area of land by specialization;
- the introduction of tenders on the basis of the rational development of property criteria for the purposeful, rational and efficient use of land;
- severe restrictions on the terms of the lease, resale and collateral;
- financial support of owners and heirs;
- achieve a certain degree of regulation of capital flows in this area, using transparent market principles, such as transparency and transparency in pricing and trade;
- the introduction of a differentiated land tax taking into account regional characteristics of pricing.

It should be remembered that land privatization should be considered as one of the key ways to improve land use efficiency, and not the development of the land market. In this regard, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev № 5623 "On measures to radically improve the processes of urbanization" of January 10, 2019 is of great practical importance. The main purpose of the Decree is to regulate the processes of urbanization, bringing the population into line with the existing infrastructure, housing, jobs. On the other hand, land privatization is aimed at owning people, that is, citizens and organizations acquire several times more valuable property at market prices, while the land that they own or use is acquired from the state at par value. As a result of the fact that the privatized land will enter into civil circulation, its value will continue to grow. As a result, the economic situation of citizens will continue to improve as the value of their property increases. The ultimate goal of introducing private ownership of land is to guarantee full ownership. To date, the building of a residential building or service facility built on a land plot is the private property of a citizen or organization, and the land is state property. This situation did not allow them to become economically strong, develop existing facilities, and make additional investments here. As soon as the land is now completely owned by a citizen or organization, both the land and the building above it will become completely untouchable. This is the most important guarantee for investors. By privatizing land, they can increase

their value as property, forcing land to be considered the capital, and not a specific area. Further improvement of the land use system in the transition to a market economy is very important for the national economy of the Republic of Uzbekistan. The modern land use system should be regulated by the government taking into account the needs of the state and land users working with land. According to the same principle, it is necessary to form a system of the state mechanism for managing land resources, coordinating land relations and land reclamation for economic purposes.

**CONCLUSION.** As a result of the study, the following scientific conclusions and practical recommendations for improving the legal and economic base of land use were obtained:

1. The state land cadastre, state control over the use and protection of land, land management mechanisms, land monitoring should be constantly improved as a single system of government decision-making. It is advisable that the law, as a rule, make decisions on public administration decisions at the national and regional levels on the basis of prospective and annual land use documentation.
2. The completion of the general registration of land plots within the established administrative-territorial boundaries should be completed and based on the main registration of land plots, with appropriate changes to the land cadastral documentation and the preparation of separate cadastral documentation for each plot.
3. Work on the definition (clarification) of the administrative boundaries of the district, district, household and settlements (city, town) should be included in the land management work, ensuring the maintenance of the state land cadastre.
4. Do not delay the organization and conduct of registration activities in rural areas to generate accurate information of the land cadastre. To date, such information is not complete in the system of state land cadastre.

## REFERENCES

---


1. The Land Code of the Republic of Uzbekistan. T., East 2014.
2. Abdullaev Z.S. Modeling the land valuation process. National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2013 - 92 p.
3. Mardonov I.T. Agribusiness of Uzbekistan: reform of the management system in the context of the Aks Market. T., Science, 1993 - 46 p.
4. Altiev A.S. The economic mechanism of land use liberalization. T., Science, 2009.
5. <https://doi.org/10.1016/j.biocon.2019.07.010>
6. <https://doi.org/10.1016/j.landusepol.2017.10.037>

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Рустамов Достонбек Жамшид ўғли  
ТДИУ Иқтисодиёт факултети 2-босқич талабаси

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИДАГИ ЎРНИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-7>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, аҳолига яратаётган янги иш ўринлари, миллий маҳсулот ва товарларнинг рақобатбардошлигини оширишдаги ҳиссаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес, миллий иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик, инвестиция, маҳсулот, кредит, корхона.

Rustamov Dostonbek Jamshid ug'li

2nd year student, Faculty of Economics, TSUE

## THE ROLE OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE ECONOMIC STABILITY OF THE COUNTRY

### ANNOTATION

The article analyzes the role of small business and private entrepreneurship in the country's economy, its contribution to GDP, new jobs created to the population, as well as the contribution of national products to competitiveness.

**Key words:** Small Business, National Economy, Private Entrepreneurship, Investment, Products, Credit, Enterprise.

Рустамов Достонбек Джамшид ўғли  
студент 2 курса экономического факультета ТГЭУ

## РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ СТРАНЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется роль малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике страны, его вклад в ВВП, создание новых рабочих мест для населения, а также вклад национальных продуктов в конкурентоспособность.

**Ключевые слова:** малый бизнес, национальная экономика, частное предпринимательство, инвестиции, продукты, кредит, предпринимательство.

**К ИРИШ.** Бугунги шиддат билан ривожланаётган замонда кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсаётганлигига бевосита гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айни шундай вазиятда Ўзбекистон ҳам ўз миллий иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш асосида мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш каби бир қанча устувор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Уларни иқтисодиётга татбиқ этиш орқали кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда.

Албатта, давлатимиз томонидан олиб борилган оқилона ислохотлар туфайли мамлакатда ишбилармонлик муҳити кенг ривожланди ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ишончли ҳимоя қилиниши таъминланди. Бунинг ёрқин мисолини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонида кўришимиз мумкин. Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкон бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилган [1].

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Катта бизнес корхоналари қимматли қоғозлар биржасига эгалик қилиши мумкин, лекин кичик бизнес субъектлари ва стартаплар иқтисодиётнинг доимо олдинга силжишини ва мунтазам ривожланишини таъминлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари нафақат янги иш ўринларини яратади, балки кичик ҳудудлар (вилоятлар, туманлар, қишлоқлар)нинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини ҳам бевосита таъминлаб беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асоси ҳисобланишини қўйидаги бир қанча иқтисодиёт раванқи учун муҳим бўлган омиллар мисолида кўришимиз мумкин: (1-расм)



### 1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодийнинг асоси эканлигини асослаб берувчи бир қанча омиллар


1. Маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари. Катта бизнес корхоналари бир қанча маҳаллий иш ўринларини яратиши аниқ, лекин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳаллий аҳоли учун жуда катта миқдордаги иш ўринларини яратади.

2. Рақобат ва имкониятлар. Кичик бизнеснинг иқтисодий учун жуда муҳим бўлган яна бир сабаби, улар томонидан яратилаётган соф рақобат ва бир қанча имкониятлардир. Мисол учун, маҳаллий фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни ўша ерлик маҳаллий аҳоли учун арзон нархларда таклиф қилиш имкониятига эга. Чунки улар ўз маҳсулотларини сотиш учун транспорт харажати сарфламайдилар, бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳоли учун бир қанча танлов имкониятларини яратиш билан биргаликда, пулнинг маҳаллий иқтисодийга тўғридан-тўғри келиб тушишини ҳам кафолатлайди.

3. Турли-туман бизнес тармоқларининг ривожланиши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг бошқарув методи, харажатлари сарфи ва турли хил ишлаб чиқариш йўналишларига эгадир. Албатта, бу турли-туманлик иқтисодийнинг барқарор ривожланиши учун ўз таъсирини кўрсатади.

4. Муваффақиятсизликлар. Албатта кўпчиликда муваффақиятсизликлар қандай қилиб иқтисодийга фойда келтириши мумкин? деган савол туғилиши табиий. Лекин йиғилишлар маҳаллий тадбиркорларни яна ҳам мукамал, узоқни кўзлаб ўз бизнес режаларини тузишга ундайди ва бу орқали маҳаллий иқтисодий яна ҳам мустақкам ва кучли бўлиб боради.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг ЯИМ таркибига назар ташлар эканмиз, унда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши юқори эканлигига гувоҳ бўламиз.



### 2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши [2].

Хусусан, иқтисодийни тараққий эттиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ЯИМдаги

улуши тобора ортиб бормоқда. Масалан бу кўрсаткич 2018 йилда 53,3 фоизни ёки 119301 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич Японияда 55 фоиз, Германияда 54 фоиз, АҚШда 52 фоиз, Қозоғистонда 25,6 фоиз, Россияда 20 фоизга тенгдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини банк кредитларисиз тасаввур қилиш қийин. Албатта, тадбиркорнинг шахсий инвестицияси ҳам бу фаолиятни йўлга қўйишда муҳим саналади, лекин кичик ва эндигина ўз фаолиятини бошлаётган кўплаб корхоналар ва фирмалар ўз бизнесларини молиялаштиришда банк кредитларига таянадилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида, бир қатор вазифалар белгиланди, хусусан:

- қарорда қайд этилган мақсадлар учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредит ажратиш, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар ажратиш;
- кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизгача, аммо 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш;
- жамғарма томонидан тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш кабилар кўзда тутилган [3].

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда фаол инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини янада кўпроқ тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ юртимизда "Ҳар бир оила - тадбиркор" давлат дастури кенг миқёсида амалга оширилмоқда. Албатта, бу дастурнинг асосини ҳам имтиёзли банк кредитлари ташкил этмоқда.

Унга қўра:

- имтиёзли кредитлар энг кам иш ҳақининг 150 бараваридан 1000 бараваригача миқдорда йиллик 7 фоизли ставка билан белгиланган бўлиб, бунда кредит линияси 3 фоизни, банк маржаси 4 фоизни ташкил этади. Микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ёки ўзининг қоплаш жиҳатидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил муддатгача берилиши мумкин, лекин бу ҳолатда кредитнинг қайтариш муддати аниқ асосланган бўлиши керак [4].

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Кичик бизнес ва ишбилармонлик салоҳиятини мамлакатимизда янада юксалтириш ва ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- республикаимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бу орқали уларнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг фаол жалб этилишини ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда ўз ўринларига эга бўлишини таъминлайди.
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятига ноқонуний ва асоссиз равишда аралашишларнинг олдини олиш.

- тадбиркорларнинг ўз бизнесларини ташкил этишда ер участкаларининг берилишини енгиллаштириш ва бу жараёнда очиқ ҳамда ошкораликка амал қилиш. Бу орқали эндигина ўз бизнесини бошлаётган тадбиркор ва ишбилармонларни турли хилдаги бюрократик тўсиқлардан халос этиш.

- мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, вилоятлар, қишлоқларда тадбиркорлик фаолиятини бир текис ривожланишини таъминлаш, уларнинг биридан ортда қолмаслигини тегишли идоралар орқали назорат қилиш, уларнинг кўламини кенгайтириш ва бу орқали маҳаллий аҳолини иш жойлари билан таъминлаш.

## REFERENCES

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони. LEX.UZ
2. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори. LEX.UZ
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила




# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

**А.Т.Мамажонов**

Тошкент давлат аграр университети  
"Агросаноатда бухгалтерия ҳисоби" кафедраси катта ўқитувчиси

## ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ДАВРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ТАННАРХ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-8>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх таҳлилини ташкил этишнинг назарий асослари хорижий ва Ватанимиз иқтисодчи олимлари томонидан билдирилган фикрларга таянган ҳолда ўрганиб чиқилган ва шу асосида муаллиф томонидан маълум фикрлар билдирилган, хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** таҳлил, синтез, индукция, дедукция, омил, бизнес режа, харажат, таннарх, маҳсулот, фермер хўжалиги, рентабеллик, фойда.

**А.Т.Мамажонов**

старший преподаватель кафедры  
"Бухгалтерский учёт в аграрной промышленности" Андижанского филиала  
Ташкентского государственного аграрного университета

## ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АНАЛИЗА ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ЗАТРАТ И СЕБЕСТОИМОСТИ ПРОДУКЦИИ В ПЕРИОД МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье были изучены теоретические основы производственных затрат и себестоимости продукции в фермерских хозяйствах на основе мнений зарубежных и отечественных учёных, и автор сделал некоторые выводы.

**Ключевые слова:** анализ, синтез, индукция, дедукция, фактор, бизнес план,

затраты, себестоимость, продукция, фермерская хозяйства, рентабельность, прибыль.

**A.T. Mamajonov**

senior lecturer of the department "Accounting in the agricultural industry"  
of the Andijan branch of Tashkent State Agrarian University. The city of

## THE THEORETICAL BASIS OF THE ANALYSIS OF PRODUCTION COSTS AND PRODUCTION COSTS DURING THE MODERNIZATION OF THE ECONOMY

### ANNOTATION

In this article, the theoretical foundations of production costs and production costs in farms based on the opinions of foreign and domestic scientists were studied, and the author made some conclusions.

**Key words:** Keywords: analysis, synthesis, induction, deduction, factor, business plan, costs, cost, production, farming, profitability, arrived.

**К ИРИШ.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларига маҳсулот таннари таҳлилини тўғри ташкил этиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан айтганда, 2019 йил 6 сентябрь куни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига доир муҳим воқеа бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги улкан имкониятлар, кийинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди. Хусусан, янги технология ва инновацияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилаётгани, булар - ислохотларнинг биринчи босқичи экани таъкидланди.

Энг муҳими фақат бугунни эмас, балки, эртанги кунни ҳам ўйлаб, узоқни кўзлаб, ислохотларни янги босқичга кўтариш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқиляётгани айtilди. Бунинг учун эса бир-биридан муҳим ишларни бажариш керак бўлишига эътибор қаратилди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кучини ошириш, ҳосилдорликни кўтариш, ер ажратишнинг шаффоф тизимини яратиш, ерга бўлган ҳуқуқнинг кафолатланиши, ернинг дахлсизлигини таъминлаш каби ўта муҳим вазифалар илгари сурилди.

Тўғриси, қишлоқ хўжалигида йиллар давомида тўпланиб қолган, соҳанинг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган муаммолар оз эмасди. Айниқса, ерни талон-тарож қилиш, ер ажратишда таъмагирлик, коррупция авж олиб, кўп адолатсизликларга ҳам йўл қўйилганди. Бунинг оқибатида ердан самарасиз фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта йўқотишлар давом этаётганди. 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилса, қишлоқ хўжалигида янги давр - юксалиш даври бошланади. Минг-минглаб янги иш ўринлари яратилади, ҳосилдорлик ошади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпаяди, одамлар даромадга ёлчийди, ҳаёти фаровонлашади, давлатнинг

иқтисодий қуввати ҳам ошади, албатта.

Демак, шунини айтиш мумкинки, модернизация қишлоқ хўжалигида амалга оширилишида муҳим масала харажатларни самарали ва оқилона сарфланишини таҳили масаласига эътибор бериш ҳисобланади.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Бошқарув таҳлили, айниқса харажатлар таҳлили масаласига турлича ёндошувларни кўриб чиқиш керак. Ушбу масалада иқтисодчи-олимлар томонидан қуйидагича фикр билдирилган: "Айрим ҳолларда бошқарув таҳлилида тўғри баҳо беришга эришиш учун норматив соф маҳсулот (НСМ) кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Норматив соф маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақини, социал суғурта учун ажратмалар ва норматив фойдани жамлаш орқали аниқланади.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзига хос хусусиятга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ҳам ўзгаради. Бу эса уларни таҳлили қилиш усулларига ўзига хос тарзда ёндошувни тақоза қилади. Аммо юқорида номлари зикр этилган шу соҳанинг етакчи олимлари адабиётларида айнан хусусий мулкка асосланган кичик бизнес корхоналарига хос таҳлил усуллари, айниқса омилли таҳлилетарли даражада ёритилмаган. Шуларни инобатга олиб, мазкур корхоналарда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш. Таннарх, фойда каби натижавий кўрсаткичлар ҳамда рентабеллик, рақобатбардошлик каби нисбий кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шароитида товарни ишлаб чиқариш билан бирга уни сотиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин товарни сотиш қанчалик муҳим бўлмасин, олдин уни ишлаб чиқариш лозим. Ишлаб чиқариш бўлмаса, табиийки, сотиш бўлмайди. Аммо ишлаб чиқариш, олдингидек, фақат ишлаб чиқариш учун эмас, балки сотишга қаратилган, товар эса истеъмолчининг талабига жавоб берадиган бўлиши лозим. [1. 107-108 бетлар]

Ушбу масалада айниқса қишлоқ хўжалиги субъектларида таннарх таҳлили ва уни амалга ошириш тартиби бўйича иқтисодчи-олим Ергешев Е. томонидан шундай фикр билдирилган. "Маҳсулот таннархини муттасил пасайтириб бориш учун ишлаб чиқариш харажатлар таркиби ва тузилишини, яъни маҳсулот таннархи мажмуасида ҳар бир харажатнинг тутган ўрни билиш лозим. Бу маҳсулот таннархи режасининг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Таҳлил қилиш маҳсулот таннархининг бир неча йилги ўсиши ёки пасайишини ва асосий маҳсулот турларининг таннархини пасайтириш режасини бажаришга доир кўрсаткичларини текширишдан бошланади. Сўнгра маҳсулот таннархининг пасайиши ёки ошишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилади. Бунда таннарх маҳсулотлар тури бўйича аввало деҳқончилик маҳсулотлари, кейин чорвачилик маҳсулотлар таннархи таҳлил қилинади.

Деҳқончилик маҳсулотларини таннарх даражасига иккита энг муҳим омил таъсир кўрсатади: биринчидан, бир гектар ерга сарфланадиган харажатлар миқдорининг ўзгариши, иккинчидан, бир гектардан олинadиган ҳосилдорликнинг ўзгариши. [2. 245-246 бетлар] Шу билан биргаликда бошқа таъсир қилувчи омилларни ҳам ҳисобга олиш керак деб ўйлаймиз. Масалан: ўсимликчиликда об-ҳаво шароити, қурғоқчилик, ёнғингарчиликнинг кўп бўлиши, турли табиий офатлар

таъсири, агротехник тадбирларга риоя қилинмаслиги таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак.

Товар баланси кўрсаткичлари, яъни йил бошидаги маҳсулот қолдиғи, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тайёр маҳсулот қолдиғи, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тайёр маҳсулот қолдиғи маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар ҳисобланади. Буни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб аниқлаш мумкин:

$$Z_1 + П = Р + Z_2, \text{ бундан } Р = Z_1 + П - Z_2 \quad (1.1)$$

Бу ерда  $Z_1$  - йил бошидаги тайёр маҳсулот захиралари;

$П$  - чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$Z_2$  - йил охиридаги тайёр маҳсулот захиралари;

$Р$  - сотиш суммаси [2. 245-246 бетлар]

Ушбу формула фермер хўжаликлари фаолиятига мос келади ва унда ўтган йилги жорий йил учун қилинган харажатлар, жорий йил харажатлари ва жорий йилда келгуси йилда қилинган харажатлар бўйича таҳлил қилиш мумкин.

Маҳсулот таннархи корхонанининг нарх сиёсатига бевосита таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан иқтисодчи-олимлар Н.Хасанов ва С.Нажбиддиновлар қуйидагича фикр билдиришган. "Сотилган маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичи корхона нарх сиёсатининг имкониятларини белгилаб беради. Агар бу кўрсаткич жуда паст бўлса, корхона ўз маҳсулотларининг нархини арзонлаштира олмайди, чунки бунда зарар кўриб ишлай бошлайди.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотишдан тушган фойданинг солтилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати орқали аниқланади. Сотилган маҳсулот рентабеллигининг икки кўрсаткичи таққосланганда давр харажатлари ва асосий ишлаб чиқариш билан боғланмаган молиявий фаолият харажатлари сотишдан тушган фойда суммасига қанчалик таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш имконини беради". [3. 20 бет]

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларини маҳсулоти таннархини таркиби ва унинг элементларини таҳлил қилиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назарда маҳсулот таннархини аниқлашга доир умумий талаблар "Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом" белгиланган. Ушбу талаблар фермер хўжаликлари фаолиятида маҳсулот таннархини аниқлашда ҳам қўлланилади. Лекин айрим иқтисодчи-олимлар томонидан ушбу низомда ҳам айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан, иқтисодчи-олим Э.Акрамов томонидан ушбу низомдаги қуйидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган. " 6. Маҳсулотлар таннархи таркибини таҳлил этишда харажатларнинг элемент ва моддаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Низомда бунинг учун имкониятлар йўқ. Бу таҳлилни ўтказиш учун бухгалтериянинг бирламчи маълумотларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг учун ҳаддан ташқари кўп вақт сарфланади.

7. Пировардида яна бир нарсани айтиш керакки, Низомда илгари асосланиб қабул қилинган бир қанча атамалардан асосиз воз кечилган. Масалан балансдаги

foyda, "Солиқ тўлашдан олдинги фойда", "Маҳсулот сотишдан фойда", "Маҳсулот сотишдан ялпи фойда" билан алмаштирилган ва ҳоказо. [4.122-123 бетлар]  
Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш таннархга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили билан яқунланиши лозим. Омиллар бўйича таҳлил одатда бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатларнинг кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. Бу кўрсаткичга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- алоҳида маҳсулотлар таннархининг ўзгариши;
- алоҳида маҳсулотларга қўйилган нарх-наволарнинг ўзгариши;
- товар маҳсулотларининг таркибий ўзгаришлари. [4.129 бет]

Ушбу масалада айрим иқтисодчи-олимлар харажатлар муҳимлиги ва уни рентабелликни аниқлашдаги ўрнини ҳисобга олиб юритиш тартибини таклиф қилишмоқда. Асосий фаолиятнинг рентабеллиги маҳсулот сотишдан олинган фойданинг маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар (ишлаб чиқариш таннархи)га нисбатига тенг:

Маҳсулот сотишдан фойда/ишлаб чиқариш таннархи;

Net sales/Cost of goods sold; (1.2)

050 сатр (2-шакл/060 сатр 2-шакл).

Иқтисодий самарадорликни баҳолашда икки хил ёндошув мавжуд бўлиб, унинг асосида турлича қарашлар ётади. Шу жумладан ушбу масалада Россиялик иқтисодчи-олим Ковалев В.В. томонидан қуйидагича ёндошув тўғрисида тўхталиб ўтилган: "Иқтисодий самарадорликни баҳолашда 2 та ёндошув мавжуд-ресурслар ва харажатлар. Умумий кўринишда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи қуйидаги формула (EFF)орқали ифодаланади [5. 382 бет]:

$$EFF=EF/RC \quad (1.3)$$

**EF**-иқтисодий самарадорлик қиймати;

**RC**-ресурслар ёки харажатлар қиймати.

"Ресурслар" ва "харажатлар" категорияларининг ўзаро фарқи етарли даражада кўриниб турибди. Шу жумладан, мисол сифатида асосий воситаларни кўрадиган бўлсак, ресурс сифатида унинг маълум қиймат баҳоланиши кўрсаткичларидан фойдаланиш, яъни унинг қийматининг бир қисми сифатида амортизация ажратмаларидан фойдаланишимиз мумкин." ифодаланади [5. 379 бет]

Бундай ёндошув ресурслар ва харажатларни тушунчасини аниқлаштиришни талаб қилади ва бунда харажатларни бир қисми сифатида амортизациядан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтади.

М.В.Мельник томонидан ушбу масалада янада кенгроқ ёндашилган ва маҳсулот сотишдаги рентабелликни баҳолайди. Бунда қуйидагича фикр билдирилган: "Биринчи учта кўрсаткич маҳсулот сотишдаги оборот бўйича рентабелликни баҳолайди. Кўрсаткичларни фоизда олиш учун коэффицентни 100%га кўпайтириш керак.

Ялпи фойда рентабеллик(GPM). Ушбу коэффицентнинг бошқача номи - Gross margin ratio. У корхонанинг сотиш ҳажмида ялпи фойданинг ҳиссасини акс эттириади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$GPM=GP/NS=Ялпи\ фойда/жами\ тушум$

Операцион фойда рентабеллиги (OPM) умумий сотиш ҳажмида операцион фойданинг ҳиссасини акс эттириади.

Бу кўрсаткич кўпинча оборотдан рентабеллик деб юритилади- ROS. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$OPM(ROS) = OP/NS =$  Операцион фойда/жами тушум.

Соф фойда рентабеллиги (NPM) соф фойдани сотиш ҳажмидаги ҳиссасини кўрсатади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$NPM = NI/NS =$  соф фойда/ялпи тушум. [6. 45-46 бетлар]

Албатта фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ўзгаришига асосий эътибор бериш керак. Ушбу ўзгаришлар нима ҳисобига содир бўлиши, доимий ва ўзгарувчи харажатлар таркибий ўзгаришлари масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Ушбу масалада Г.В.Савицкая томонидан қуйидагича фикр билдирилган: "Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси қуйидаги ҳолатларда ўзгариши мумкин:

Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми;

Маҳсулот таркиби;

Маҳсулот бирлигига тегишли ўзгарувчи харажатларнинг даражаси;

Доимий харажатлар суммаси." [7. 187-188 бетлар]

"Харажатлар-ҳажм-фойда"нинг ўзаро боғлиқлиги ва аниқ ахборот бериш учун четга чиқишлар ва тахминлар асосида қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Доимий ва ўзгарувчи харажатларни феъл-авторини аниқ ўлчаш мумкин;

2. Харажатлар ва маҳсулот сотишдан ишлаб чиқариш даражаси билан чизиқли боғланишга эга;

3. Унумдорлик релевантнинг активлик даражаси ичида ўзгармайди;

4. Ўзгарувчи харажатлар ва баҳо режалаштирилган давр ичида ўзгармайди;

5. Маҳсулот таркиби режалаштирилган давр ичида ўзгармайди;

6. Ишлаб чиқариш хажми ва сотиш хажми тахминан бир-бирига тенг.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, ҳамда ушбу масалаларга бағишланган махсус адабиётларда ҳам харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш усуллари тўлиқ ва аниқ ёритилмаган. Шу билан бир вақтда кўпчилик иқтисодчи олимлар ушбу тушунчаларни ёритишда умумий ёндошишга эришилди деган хулосага келмоқдалар. Ушбу усул ўз ичига ишлаб чиқариш харажатларининг бошқарув, аввало аналитик ҳисобини тузиш, харажатларни туркумлаш шартларини танлаш, харажатларни ҳисобга олиш объектларини (маҳсулот, буюртма, ишлов бериш жараёни, харажатларнинг содир бўлиш жойлар ва шунга ўхшашлар) танлаш, ишлаб чиқариш устама харажатларни тугалланмаган, тайёр, сотилган маҳсулотларнинг таннархига тақсимлаш ва харажатларни молиявий натижаларга тўғридан-тўғри олиб бориш йўли билан ҳисобдан чиқариш тартибларини қамраб олган.

Фермер хўжаликлари фаолиятида ва унинг айрим олинган бўлимларида ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичлар таҳлилининг умумий тизимида таннарх кўрсаткичи асосий ўрин тутди. Чунки таннархнинг таркиби уни ташкил қиладиган тегишли харажатларнинг йиғиндисидан иборат. Харажатларни ҳисобга олишнинг умумқабул қилинган таърифининг ёритилиши қуйидагича: "Харажатларни ҳисобга олиш бу тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти - таъминот, ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш - истеъмолчига етказиб бериш жараёнларида содир бўлган воқеаларни миқдорий ўлчаш (миқдор ва қиймат ўлчовида), қайд қилиш,

гуруҳлаштириш, тайёр маҳсулотлар таннархининг таркиб топиши чегараси бўйича таҳлил қилишга қаратилган фаолиятдир.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутади. Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир. Таннарх - муайян миқдорда маҳсулот етиштириш учун қилинган барча харажатларнинг пул шаклидаги ифодасидир. Маҳсулот таннархини пасайтириш хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлайди, етиштирилаётган маҳсулотларнинг рентабеллигини янада оширади. Демак, фермер хўжалигининг маҳсулот таннархини таҳлил қилиш уни ишлаб чиқариш учун сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ҳамда меҳнат ҳақи сарфининг пулдаги ифодасини омилла бўйича таҳлил қилиш муҳим ва асосий вазифалардан ҳисобланади.

1. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар: бевосита ва билвосита моддий харажатлар; бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; бошқа бевосита ва билвосита харажатлари.

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмасдан, давр харажатлари таркибида ҳисобга олиниб, асосий фаолиятдан олинган фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар: сотиш харажатлари; бошқарув харажатлари (маъмурий сарф харажатлар); бошқа операцион харажатлари.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки кўрилган зарарларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинган, унинг молиявий фаолиятига доир харажатлар: фоизлар бўйича сарфлар; хорижий валюта маблағлари бўйича салбий курс таффовутлари; қимматли қоғозларга қўйилган малағларни қайта баҳолаш.

4. Фойда (даромад) солиғини тўлангунга қадар бўлган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинган фавқулодда зарарлар.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини харажат моддалари бўйича ҳисобга олиш, у ёки бу маблағ тури қандай мақсадларга сарфланаётганлигини билиш, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг айрим турлари таннархини ҳисоблаш, таннархни камайтириш резервларини аниқлаш имконини беради. Таннарх аниқлаш бўйича маълумотлар фермер хўжалиги фаолиятини мустаҳкамлашда, иқтисод қилиш тартибига риоя қилишда, бошқарув таҳлили йўли билан маҳсулот таннархини камайтириш резервларини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш харажатлари иқтисодий мазмунига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Асосий харажатлар.

2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар.

Фермер хўжаликларида асосий харажатларга ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни билан боғлиқ харажатлар киради. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ҳамда унда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларга фермер хўжалиги ташкилий ва бошқарув, машина-трактор парки хизматлари, кимё маҳсулотлар ва хизматлари, бошқа ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари киради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услуби ва технологияси билан белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш (иш, хизматлар

бажариш) билан боғлиқ харажатлар киритилади. Шундан келиб чиқиб, фермер хўжаликларида харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади. Бевосита харажатлар таркибига фермер хўжаликларида маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган уруғ ва кўчат материаллари, минерал ва органик ўғитлар, ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган (ижтимоий суғурта ажратмалар билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган трактор ва қишлоқ хўжалиги техникаси амортизацияси, таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар. Билвосита харажатлар эса маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланиб, уларга фермер хўжалигини тармоққа тегишли умумишлаб чиқариш харажатлари, умумишлаб чиқариш аҳамиятидаги асбоб ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради.

Калькуляция объекти - бу фермер хўжаликларидаги айрим ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари, бирон-бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотига бўлган буюртма тури ёки бажариладиган хизмат турларидан иборатдир. Қишлоқ хўжалигида харажатлар ҳисоби ва калькуляция қилишни ташкил қилишда калькуляция бирлигини тўғри танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалда маҳсулот таннархининг калькуляция бирлига сифатида қўйидагилар қўлланилади: маҳсулотнинг миқдорий бирлиги (дона, метр, тонна кабилар); коэффицентлар ёрдамида ҳисобланган маҳсулотнинг шартли миқдорий бирлиги; маҳсулотнинг айрим турлари, буюртмалар (ярим тайёр маҳсулотлар, бажарилган иш, хизматлар).

Калькуляция бирлигини танлаш ишлаб чиқариш тармоқ хусусиятларига ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулот характери ва унинг номенклатурасига боғлиқ. Асосий ишлаб чиқариш харажатларига маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёни билан тўғридан-тўғри боғлиқ харажатлар киради. Масалан, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги материаллар( уруғ ва кўчат материаллари, органик ва минерал ўғитлар, ем-хашак ва тўшама харажатлари, ўсимлик ва чорва молларини ҳимоя қилиш харажатлари, ёлланма асосий ишлаб чиқариш характеридаги ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, ягона ижтимоий тўлов учун ажратмалари, ишлаб чиқариш характеридаги асосий воситалар ҳамда номоддий активлар амортизацияси ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари киради.

Меҳнат харажатлари: бевосита ишлаб чиқариш ходимлари, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган машина операторлари ва бошқа бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи харажатлари. Шунингдек, "Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом"га мувофиқ, бевосита меҳнат харажатларига қўйидагилар киритилади: хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

"Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом"га мувофиқ, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган кейинги харажат элементи-ижтимоий ажратма харажатлариди. Бунга қўйидагилар киради: "Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари" элементлари бўйича таннархга қўшиладиган қўйидаги



харажатлар: амалдаги қонунчилик бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларидан мажбурий ажратмалар-ижтимоий суғурта органларига, нафақа фондига, давлат бандлик хизматига ва бошқа суғурта турларига ажратмалар; Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар кўйидагиларни ташкил этади: бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинадиган харажат; таққосланадиган маҳсулот таннархи; маҳсулот бирлигининг таннархи.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги харажатларни юқоридаги кўринишда туркумлаш билан бир қаторда яна кўйидаги хусусиятлар бўйича ҳам таснифлаш чиқишимиз мумкин.

Юзага чиқиш шаклига кўра: асосий ишлаб чиқариш харажатлари; молиявий фаолият бўйича харажатлар; тасодифий ва фавқулодда харажатлар; Маҳсулот таннархига кўшилишига кўра: маҳсулот ишлаб чиқариш харажатиغا киритиладиган харажатлар; маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар;

Юзага чиқиш ўрнига кўра: бўлим бўйича қилинадиган харажатлар; цех бўйича қилинадиган харажатлар; участка бўйича қилинадиган харажатлар;

Сотиш ҳажмига ҳисобдан чиқарилишига кўра: маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари; давр харажатлари.

Даврига кўра: жорий давр харажатлари; келгуси давр харажатлари.

Солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда ҳисобга олинишига кўра: солиққа тортиладиган базага қайта кўшиладиган доимий тафовурлар; солиққа тортиладиган базага кўшиладиган даври бўйича таффовутлар; солиққа тортиладиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайдиган харажатлар.

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ: ўзгарувчан харажатлар; ўзгармас харажатлар;

Маҳсулот таннархига кўшилишига қараб: тўғри харажатлар( бевосита); эгри харажатлар( билвосита).

Молиявий натижалар даҳлсизлигига қараб: маҳсулот таннархига кўшиладиган харажатлар; фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларига кўйилган вазифаларига кўра харажат элементлари ва калкуляция моддаларга бўлинади. Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатлари иқтисодий мазмунига кўра аниқлаш ва тегишли сметалар тўзишга асос бўлади. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари гуруҳи иқтисодий мазмунга кўра маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархининг таркибини ташкил этувчи кўйидаги элементларга бўлинади: ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чегирилиб ташланган ҳолда); ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари; ишлаб чиқаришга тааллуқли ягона ижтимоий тўловлар учун ажратмалари; ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши; ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаштириш эса маҳсулотлар таннархини аниқлаштиришга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хомашё ва материалларни таёрлаш, қайта ишлаш, брак маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлмаган харажатлар таркибига корхонанинг маданий-маиший объектларига сарфланадиган харажатлар киради.

Режалаштирилишига қараб харажатлар қисқа ва узоқ муддатли харажатларга

ажратиш мумкин. Қисқа муддатли харажатлар фермер хўжалигининг тактик мақсадларини амалга оширишга имкон беради. Узоқ муддатли харажатлар фермер хўжалигининг стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келади. Улар илмий текширишлар, янги технологияларни олиб кириш ва ривожлантириш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш таҳлил қилиш орқали назорат қилишга имкон беради.

## REFERENCES

---


1. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма/ М.Қ.Пардаев, А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Исроилов;. Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2005. -336 б. Б.107-108.
2. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Тошкент:Молия, 2000.-256б.- Б.245-246.
3. Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш:Муаммолар ва уларни ҳал қилиш. Тошкент:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси уйи.,1999.-224б. Б.20.
4. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Тошкент:Молия, 2003. 224б. Б.122-123
5. Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. -М.:ФиС 2005.- 560с. -С.382.
6. Мельник М.В., Бредников В.В. Финансовый анализ: система показателей и методика проведения.-М.:Экономистъ, 2006.-159с. -С.45-46.
7. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия:Учебник. М.:ИНФРА-М, 2003.-400с. С.187-188

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ INNOVATIONS IN ECONOMY

**БАНК ИШИ**

**Махмудов Омон Тухтаевич**  
Термиз давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-6-9>

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада тижорат банклари молиявий барқарорлигининг моҳияти ва унинг хусусиятлари ўрганилган. Молиявий барқарорликка таъсир этувчи омиллар асосида, молиявий барқарорликни баҳолаш усуллари ва ундан рейтинг баҳолаш тизимида фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шунингдек ривожланган давлатлар банк амалиётида фойдаланиладиган рейтинг баҳолаш методологиялари таҳлили бажарилган. Рейтинг баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича хулосалар қилиниб, таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** банк, молиявий барқарорлик, инвестор, активлар, капитал, рейтинг, рейтинг фаолияти, рейтинг агентликлари, рейтинг баҳолаш.

**Махмудов Омон Тухтаевич**  
Независимый исследователь  
Термезского государственного университета

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОПРЕДЕЛЕНИЯ РЕЙТИНГА КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

### **АННОТАЦИЯ**

В статье рассматриваются сущность и особенности финансовой устойчивости коммерческих банков. Исследованы методы оценки финансовой устойчивости и особенности ее использования на основе факторов, влияющих на финансовую устойчивость в рейтинговой системе. Также были изучены методики рейтинговой оценки, используемые в банковской практике развитых стран. Приведены выводы и рекомендации по совершенствованию системы рейтинговой оценки.

**Ключевые слова:** банк, финансовая устойчивость, инвестор, активы, капитал, рейтинг, рейтинговая деятельность, рейтинговые агентства, рейтинговая оценка.

**Makhmudov Omon Tuxtaevich**

Independent researcher of Termez State University

## FOREIGN EXPERIENCE IN DETERMINING THE RATING OF COMMERCIAL BANKS

### ANNOTATION

The article discusses the essence and features of the financial stability of commercial banks. The methods of assessing financial stability and the features of its use based on factors affecting financial stability in the rating system were investigated. The rating assessment methods used in the banking practice of developed countries were also studied. Given the conclusions and recommendations for improving the bank rating system.

**Key words:** bank, financial stability, investor, assets, capital, rating, rating activities, rating agencies, rating assessment.

Молиявий беқарорлик шароитида тижорат банклари фаолиятининг устувор йўналишлари доимий равишда ўзгариб туради. Бу банкларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур чораларни кўришни тақазо этади. Чунки тижорат банкларининг барқарор фаолият юритиши ички ва ташқи омиллар, жумладан ишончсиз ҳамкорлар (банклар, инвестицион компаниялар, бошқа молиявий институтлар) фаолияти таъсири натижасида ўзгариши мумкин. Жумладан, банклар ўртасидаги муносабатларда ҳам агар улардан бири молиявий барқарор бўлмаса, бу уларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ ва маълум бир вақт ичида бажармаслиги ҳамкор тижорат банкларининг ҳам молиявий фаолиятида салбий жиҳатларни намоён қилади.

Тижорат банклари барқарорлигининг асосий турларидан бири бу уларнинг молиявий барқарорлигидир [1,24]. Ҳозирги замонавий иқтисодиётда тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Банкларнинг молиявий барқарорлиги - бу уларнинг меъёрий талабларга риоя қилган ҳолда барча мажбуриятларини ўз вақтида бажариш қобилиятлари ҳисобланади. Молиявий барқарорликнинг пасайишига жаҳон иқтисодиётида тез-тез такрорланадиган инқирозлар, уларни келтириб чиқарувчи потенциал рискларни баҳолашни таъминланмаслиги ва уларга қарши курашиш учун зарур механизмларнинг етишмаслиги каби омиллар таъсир кўрсатади.

Молиявий барқарорликнинг пасайиши молиявий ресурслар дефицитига эга банклар сонининг кўпайиши, банк активларининг рентабеллигининг тушиб кетиши, омонатлар миқдорининг камайиши ва депозит ставкаларининг ўсиши, умумий кредит портфели сифатининг қониқарсизлиги каби ҳолатларни намоён қилади. Тижорат банклари фаолиятига таъсир кўрсатаётган ташқи омилларнинг ўзгариши шароитида уларнинг молиявий барқарорлигини таҳлилий баҳолаш ва уни мақбул йўлларини илмий асослашни талаб этади. Шунинг учун банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш усуллари доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу борада хорижий давлатлар амалий тажрибаларини ўрганиш ва

мамлакатимиз банк амалиётига уларни татбиқ этиш ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Молиявий барқарорликни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун банклар ҳақида ишончли, тўлиқ ва тезкор маълумотлар олиш имконини берувчи таҳлилий материаллар (унинг молиявий ҳолати ва кўрсаткичлари) бўлиши зарур. Бундай ахборотларга, биринчи навбатда, меъёрий-ҳуқуқий, режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ахборотлар киради. Шунингдек тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш жараёнида молиявий барқарорликни баҳолаш методологиясини билиш муҳим ҳисобланади. Методология - бу молиявий барқарорликни тўлиқ баҳолашга ёрдам берадиган турли хил таҳлил объектларини аниқ ўрганишга қаратилган банк фаолиятини тадқиқ қилиш учун белгиланган тамойиллар асосидаги усуллар ва қоидалар мажмуи ҳисобланади. Фарб мамлакатларида қўлланиладиган тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш усулларини қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин [2,274]:

- рейтинг баҳолаш тизимлари (PATROL, ORAP, CAMELS) ;
- коэффицентли таҳлил қилиш тизимлари (BAKIS);
- банк рискларини баҳолашнинг мураккаб тизимлари (RATE, RAST);
- статистик моделлар (FIMS, SAABA);
- индекс усули ва бошқалар. [2, 275 б].

Банк тизими ёки аниқ бир банк муассасаларига бўлган ишонч даражасини намоён этишнинг энг самарали усулларида бири бу уларнинг рейтингини шакллантиришдир. Банклар рейтингини - уларнинг фаолиятини жами кўрсаткичлар ва хусусиятларга асосланган ҳолда баҳолаш тизимидир. Рейтингнинг мақсади банкнинг ишончилилик даражасини аниқлашдан иборат. Аксарият ҳолларда рейтингларни тузишда банкларнинг баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Демак банкларнинг рейтингини -бу уларнинг асосий молиявий кўрсаткичлари бўйича ҳар томонлама мураккаб тадқиқотлар ва таққослаш тизими ҳисобланиб, ҳозирги кунда рейтинг баҳолаш тизимлари давлат бошқарув органлари томонидан банкларга ва мустақил рейтинг агентликларига нисбатан назорат функцияларини амалга оширишда ҳам қўлланилиши муҳимлиги билан ажралиб туради. Назорат органлари томонидан амалга ошириладиган рейтинглар матбуотда эълон қилинмайди, балки банкротликнинг олдини олиш ва омонатчиларнинг банк тизими барқарорлигига ишончини таъминлаш учун қарор қабул қилиш манбаси сифатида қўлланилади.

Бозор муносабатлари ривожланган давлатларда банклар рейтингини, биринчи навбатда, банкнинг инвестицион жозибдорлигини намоён этиш воситаси бўлиб, менежерларнинг молиявий бизнес каби мураккаб соҳада профессионал ва фойдали ишлаш компетентлигини билдиради. Рейтинг баҳолаш усули банкларнинг асосан капитал етарлилиги, активлар сифати, ликвидлиги, рентабеллиги, бошқариш ва бозор рискига сезгирлигини таҳлил қилиш каби муҳим кўрсаткичларни қамраб олади. Бу хусусиятларнинг ҳар бири учун молия муассасасининг фаолият даражасига мос рейтинг баллари белгиланиб, ушбу баллар миқдоран аниқланади. Рейтинг орқали кредит муассасалари орасида ўз ўрнига кўра банкларни саралашга ёрдам беради. Рейтингни ўтказишда асосий эътибор молиявий кўрсаткич ва бошқарув сифатини таҳлил қилишга қаратилади. 1-жадвалда тижорат банкларининг рейтинг маълумотларидан фойдаланувчилар гуруҳлари келтириб ўтилган бўлиб, банкларнинг яхши рейтингга эга бўлишидан манфаатдор томонлар ва уларнинг мақсадлари ўз аксини топган.

**Тижорат банкларининг рейтинг маълумотларидан фойдаланувчилар****1-жадвал**

№	Манфаатдор томонлар	Рейтингдан кутилаётган манфаат
1.	Акционерлар	Инвестиция қилинган капиталнинг етарли даражада даромадлигига, банкнинг бозор қийматини оширишга қизиқиш.
2.	Банк ходимлари	Ушбу банк муассасасида доимий ишлашга, юқори иш ҳақи олишда, иш берувчилардан ижтимоий кафолатларни амалга оширишга қизиқиш.
3.	Марказий банк	Банк тизимининг ишончилигини таъминлаш, мижозлар ва инвесторлар манфаатларини ички ва ташқи ҳимоя қилиш.
4.	Мижозлар	Банк улар олдидаги мажбуриятларини бажаришига ишонч
5.	Аудиторлик фирмалари ва рейтинг агентликлари	Фуқаролар ва инвесторлар манфаатларига риоя қилиш, эълон қилинган ҳисоботнинг ишончилиги.
6.	Солиқ органлари	Солиқ тушумларининг бюджетга барқарор тушиши
7.	Бошқа тижорат банклари, нобанк кредит муассасалари, лизинг компаниялари ва бошқа молия институтлари	Қўшма лойиҳаларнинг рентабеллиги, мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаш
8	Давлат	Мамлакатда самарали молия-кредит тизими фаолият юритиши, мамлакат имиджини кўтарилиши

Таъкидлаш жоизки, банкларнинг барқарорлигини баҳолаш етакчи халқаро рейтинг агентликлари, шу жумладан таниқли Standard & Poor's (S&P), Moody's, Fitch ва бошқа компаниялар томонидан олиб борилиши мумкин[4,371]. Шунинг таъкидлаш керакки, жаҳондаги етакчи рейтинг агентликлари ўзининг катта тажрибаси билан нафақат маълум бир банкнинг, балки бутун банк тизимининг барқарорлигини баҳолашнинг ягона стандартлаштирилган методологиясини ишлаб чиқмаган. Уларнинг ижобий томонлари банк рейтингларининг оммабоплигидир, салбий томони шундаки, кўпинча бундай ҳисоб-китоблар учун ҳатто таниқли агентликларда ҳам бир қатор мамлакатларнинг марказий банклари ва назорат идоралари ихтиёрида бўлган барча маълумотлар мавжуд эмас. Шу боис ҳозирги вақтда тижорат банкларининг барқарорлигини баҳолашда ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланилган маҳаллий усулларни ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Аксарият ҳолларда тижорат банкларининг барқарорлигини рейтинг баҳолашнинг хорижий усуллари ўхшаш хусусиятларга эга (2-жадвал). Рейтинглари банкларнинг фаолиятини мунтазам таҳлил қилишнинг самарали воситасидир,

аммо рейтингни аниқлаш учун мунтазам ва йирик ҳажмдаги маълумотлар талаб қилинади. Банк фаолиятининг ҳар томонлама рейтинг баҳосини олиш учун эса тартибга солинадиган ҳисобот ҳужжатларининг кенг доирасини таҳлил қилиш ва кредит муассасасида қўшимча тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, дунёнинг машҳур рейтинг тизимларидан бири Американинг банк назорати ташкилотлари қўллайдиган CAMELS рейтинг тизими. У олти ажралмас таркибий қисмдан ташкил топади: капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, бошқарув омиллари, рентабеллик, ликвидлик ва рискларни баҳолаш. Ушбу тизимнинг ҳар бир компоненти беш баллик шкала бўйича баҳоланади ва уларнинг қийматлари асосида якуний кўрсаткич ҳисобланади. Бироқ, бу тизим асосан субъектив баҳоларга асосланган, шунинг учун якуний натижа асосан экспертларнинг профессионалигига боғлиқ бўлади.

Франциянинг ORAP рейтинг тизимининг мақсади банклардаги муҳим муаммоларни уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча риск компонентларини миқдорий ва сифат кўрсаткичлари маълумотлари ёрдамида баҳолаш асосида аниқлашдан иборат. ORAP рейтинг тизими 14 та кўрсаткични ўз ичига олиб, улар беш гуруҳга бўлинади: эҳтиёткорлик коэффицентлари, баланс ва балансдан ташқари фаолият, бозор rischi, даромадлар, сифат мезонлари. Ушбу тизимнинг афзаллиги таҳлил жараёнининг юқори тезлигидир, чунки кам сонли кўрсаткичлардан фойдаланилади, натижада банкнинг жорий ҳолати баҳоланади. Рейтинг баҳолаш тизимларида машҳурларидан бири PATROL бўлиб, у 1993-йилдан буён Италия банки томонидан қўлланилиб келинмоқда. Рейтинг

### Тижорат банкларининг барқарорлиги ва рейтингини баҳолашнинг ривожланган давлатлар амалиёти 2-жадвал

Қўлланилган мамлакат	Баҳолаш методологияси	Жорий этилган йили	Методологиянинг қисқача мазмуни	Баҳолаш субъектлари	Афзалликлари	Камчиликлари
АҚШ	CAMEL(S)	1978	Ушбу методология номи бош ҳарфлари билан мос куйидаги олти компонентлар бўйича банк фаолиятини баҳолайдиган стандартлаштирилган рейтинг тизими ҳисобланади: С – (Capital adequacy) Капиталнинг етарлилиги; А – (Assets quality) Активлар сифати; М – (Menegment) Бошқарувчилик қобилияти; Е – (Earning) Даромадлилик; L – (Liquidity) Ликвидлилик компонентлари; S– (Sensitivity to risk) Рискка таъсирчанлик (ушбу кўрсаткич 1997 йил 1 январдан тизимига жорий этилган).	Федерал захира тизими. Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси	Таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг кенг ёритилиши	Тез ўзгарувчан ташқи бозор шароитларига секин мослашиш. Назоратчиларнинг объективлигига боғлиқлиги. Банкларнинг банкротлик эҳтимолини башорат қилмайди

			Биринчидан, тақдим этилган компонентларнинг ҳар бири учун баҳолаш амалга оширилади (энг яхши баҳолаш — 1, энг ёмон-5), сўнгра улар асосида банкнинг молиявий барқарорлигига умумий баҳо берилди.			
Франция	ORAP (Organization and Reinforcement of Preventive Action)	1997	Муайян молия муассасасини баҳолаш учун кўп вариантли дастурий таъминот тўплами ҳисобланади. У миқдорий ва сифатли маълумотлардан фойдаланган ҳолда, банк фаолияти билан боғлиқ бўлган барча хавф таркибий қисмларини баҳолаш (14 та кўрсаткич) асосида ундаги мавжуд муаммоларни аниқлайди.  Ҳар бир таркибий қисм 1 (энг яхши рейтинг) дан 5 гача (ёмон рейтинг) шкала бўйича рейтинг олади ва сўнгра жамланма рейтингга айлантирилади, бунда ҳар бир компонент назорат идоралари мутахассислари томонидан тузатилади.	Франция банк комиссияси	Кўп томонлама ахборотлардан кенг фойдаланиш.  Таҳлил тезлиги. Таҳлил учун маълумотларнинг мавжудлиги.	Банкларнинг банкротлик эҳтимолини башорат қилмайди.
Италия	PATROL (PATRironio, Reddiivita, Riscliiosita)	1993	Тизим дастлабки ҳарфлар билан бешта компонентдан иборат	Италия банки	Таҳлилнинг тезлиги.	Банкларнинг банкротлик эҳтимолини

тизимнинг мақсади-кредит муассасасининг молиявий ҳолатини масофадан таҳлил қилиш (банкларнинг тартибга солинадиган ҳисоботлари асосида) ва банкларга бориб назорат ўрнатиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни аниқлашдан иборат. Таҳлилларда капиталнинг етарлилиги, рентабеллиги, кредитларнинг сифати, ташкилий жиҳатлар ва ликвидлик кўрсаткичлари ўрганилади. Ушбу тизимнинг афзалликлари банкнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш тезлиги ва баҳолаш самарадорлиги ҳисобланади. Бироқ таҳлил натижаси банкнинг фақат жорий ҳолатини ишончли акс эттиради.

Рейтинглар банкларнинг фаолиятини мунтазам таҳлил қилишнинг самарали воситасидир, аммо рейтингни барқарорлигини таъминлаш учун доимо ва йирик ҳажмдаги маълумотлар талаб қилинади. Банклар фаолиятининг маълум даврдаги рейтинг баҳосини белгилаш учун эса тартибга солинадиган ҳисобот ҳужжатларининг кенг доирасини таҳлил қилиш ва кредит муассасасида қўшимча тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотимиз давомида банклар фаолиятини рейтинг баҳолашнинг услубий таъминотидаги муаммолар ўрганилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- халқаро ва маҳаллий агентликлар томонидан қўлланиладиган усуллар, фойдаланилган маълумотлар фойдаланувчилар учун ёпиқлиги;
- ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши турличалиги ҳисобга олиниб қўлланиладиган маҳаллий усуллар бошқа мамлакатлар молия бозоридаги ўзгарувчан вазиятга тезда мослаша олмаслиги;
- тижорат банклари фаолияти тўғрисида, баҳолаш субъектлари таҳлил қилишлари керак бўлган жуда кўп банк сири ҳисобланган маълумотларнинг мавжудлиги;
- тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қонунчилигидаги фарқларнинг мавжудлиги .



- рейтингни шакллантириш учун фойдаланилдиган миқдорий ва сифат кўрсаткичлари умумий тўплами мукамал эмаслиги;
- миқдорий ва сифат кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда рейтингларни ҳисоблашда объектив ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги;
- рейтинглар асосан рейтинг агентликлари таҳлилчиларининг субъектив баҳоларини акс эттириши.

Юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги таклифларни келтирамиз:

- тижорат банкларининг рейтингларини аниқлашда хориж тажрибаларининг илғор усулларида ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда қўлланиладиган самарали методологияни ишлаб чиқиш лозим;

- банкларни фаолиятини ўрганувчи юқори малакали мутахассис-таҳлилчиларни тайёрлашда фан ва банк амалиётининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш керак;

- рейтинг баҳолашда зарур бўладиган маълумотларнинг ягона методологик базасини шакллантириш лозим;

Юқорида келтирилган таклифларимиз мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини ошириб, уларнинг самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

## REFERENCES

---

1. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации / Лаврушин О.И. - М.: КНОРУС, 2013.
2. Костерина Т.М. Банковское дело / Московская финансово-промышленная академия, М., 2005
3. Чернова, С.А., Алиева, М.Ю., Султанов, Г.С. Основные подходы оценки финансовой устойчивости коммерческих банков // Экономика и предпринимательство. - 2015. - № 12-4 (65-4).
4. Замурагина, К.С. Зарубежная практика оценки финансовой устойчивости банковского сектора // Молодой ученый. - 2016. - №21. - С. 367-371

# ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАР

---

## ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

---

## INNOVATIONS IN ECONOMY

**№6 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000